



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 13-noyabr, payshanba, 45 (573)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилади

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлакач ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ун олтинчи ялпи мажлис муҳокама-сига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот берди. Мажлис ишини ташкил этиш хусусида ўзаро фикр алмашди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқиши ҳамда тасдиқланганининг долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокама-сига киритилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам қайд этди. Булар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

САЙЛОВ – 2014

Очиқлик, ошқоралик – асосий мезон

Президентимиз раҳнамолигида сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-

лик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борда муҳим дастуриламал бўлаётди.

2

ҲАМКОРЛИК

Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича заём битими имзоланди

Япония ташқи ишлар вазирининг парламент ўринбосари Кэнтаро Соноура раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида шу йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳасини биргаликда молиялаштириш тўғрисида заём битими имзоланди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини ривожлантириш ва электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган узоқ муддатли дастурнинг таркибий қисми бўлиб, унда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳар бири 450 МВт қувватга эга иккита буг-газ қурилмадан иборат умумий қуввати

900 МВт бўлган янги буг-газ электр станциясини барпо этиш кўзда тутилган. Тўрақўрғон ИЭС қурилиши лойиҳаси доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) 71,8 миллиард япон иенаси миқдорига узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим эт-моқда. Бу 704 миллион АҚШ долларига тенгдир. Кредит йиллик 0,3 фоиз ставкаси билан 40 йилга, шу жумладан, 10 йиллик имтиёзли муддатга берилмоқда.

Заём битимини Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Япония томонидан Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вице-президенти К.Янагисава имзолади. Тўрақўрғон ИЭС йилгига 6,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

2

Замонавий технология ва юқори сифат

Пойтахтимиздаги "MET-FUR-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йилги 4,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 6 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Технологик жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадида корхона маблағлари ҳисобидан 1 млн. АҚШ долларига яқин инвестиция киритилиб, янги иш ўринлари яратилди. O'zLiDeP фаоли Шавкат Халилов бошчилигидаги 137 кишилик жамоа автомобиллар учун темир ва пластмассадан бутловчи қисмлар, халқ истеъмоли моллари тайёрлаб, мижозларга пешма-пеш етказиб беришмоқда. Корхонада замонавий технологияларнинг кенг жорий этилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 130 фоизга кўпайди. Шунингдек, болалар велосипеди ишлаб чиқариш, пластмассадан тайёрланадиган бир неча янги деталларнинг сифати буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Солиҳ ЗОИР олган суратлар.



Конституция ва кўппартиявийлик

Ҳозирги кунда тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатда демократияни кўппартиявийлик тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятда кўппартиявийликнинг мавжудлиги, ўз навбатида, сиёсий институтлар, мафкуралар ҳамда фикрлар хилма-хиллиги борлигини англайди

Ўзбекистонда бундай институтлар шаклланиши ва ривожланишининг қонуний пойдевори мамлакатимиз Конституциясида белгиланган бўлиши ва фуқароларнинг ҳуқуқлари қўрилганлиги билан боғлиқ бўлиши мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад қилиб

олинганлиги амалдаги тасдиғидир. Бош қомусимизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларига уюшиш, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳлар иродасини ифодалаш, демократик йўл билан сайлан-

ган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги нормалар мустақамлаб қўйилгани уларга фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралишидан далолат беради.



3

НУҚТАИ НАЗАР

Ёшлар кимга ва нима учун овоз беради?

Қайси партияга аъзо бўлиш ёки бўлмастик инсоннинг шахсий ҳуқуқи. Худди шунингдек, сайловда кимга овоз бериш ёки кимга овоз бермаслик ҳам ҳар бир сайловчининг ўзига боғлиқ. Гап ёшларнинг сайловдаги иштироки ҳақида кетаркан, бир талай эътиборга молик жиҳатлар борлиги аён бўлади.

Ёшлар – жамиятнинг ўзига хос демографик-психологик хусусиятларга эга қатлами. Улар бошқаларга ўхшамайдиган қарорларни қабул қилишга мойил сайловчи ҳамдир. Навбаторларнинг қарорларига қараганда ўзгачароқ ҳис қилади. Улар катталарнинг эътиборини, яратиб берилаётган имкониятларни қадрлайди. Балоғатга етиб, қўлига фуқаролик паспортини олган ёшлардаги ҳаяжонни ҳеч кузатганмисиз? Ўша дамдаги ҳолат ҳам уларда иқтисодий-психологик жа-

раёнлар ўзгача кечиши, жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага катталарга нисбатан бошқача муносабатда бўлишини кўрсатади. Олимларнинг тадқиқотлари шундан гувоҳлик беришмоқдаки, ёшлар сайловни интиқлик билан кутишади. Янгиликларни исташади. Улар сайлов натижаси ўзининг овозига боғлиқ эканини сезса, ич-ичдан ҳис қилса, сайловда фаол қатнашади. Ёшлар сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодларнинг сайловолди дастурларидан ўз ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларни ахтаришади. Шу тариқа муайян қарорга келиб,

мақбул партия ёки унинг номзодларига овоз беришади. Сайловдан кейинги даврда ҳам ёшлар синчковлик билан ўзлари овоз берган партия ёки номзодларнинг хатти-ҳаракатларини кузатишади. Сайлов вақтида нотўғри қарорга келганлигини кейинроқ англаётган ва овози беҳудага кетганлигини ҳис қилган ёшлар бошқа сайловчиларга қараганда кўпроқ қайғурадилар. Бундай ҳолатлар ёшларнинг сайловга, жамиятдаги иқтисодий-сиёсий жараёнларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлишига олиб келади.

4



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI, HALQ DEPUTATLARI VILOYAT, TUMAN VA SHAHAR KENGASHLARI SAYLOVIGA

37 КУН ҚОЛДИ

АНИҚ САВОЛГА

- Сайлов участкалари неча нафар сайловчидан иборат этиб тузилади?
- "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида сайлов участкаси камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат тарзда ташкил қилиниши кўрсатилган.
- Оқруғ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари кимлар орасидан тайинланади?
- "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида белгиланганидек, оқруғ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

АНИҚ ЖАВОБ

БУГУНГИ СОНДА:

ЖАРАЁН
Истиқболли лойиҳалар натижаси

4

КЎЙИ БЎЙИНЛАРДА
"Сайловга пухта тайёргарлик кўраямиз"

5

ИҚТИСОДИЁТ
Палата тақдим қилган маълумотлар

6

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Бизнес юритишда танилган хонимлар

7

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2074,30	1 АҚШ доллари	2392,50	1 Хитой юани	391,35	1 Польша злотийси	705,79	1 ЕВРО	3006,29
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қиймати белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	3802,64	1 Миср фунти	334,62	1 Россия рубли	49,97	1 СДР	3505,01	10 Жанубий Корея вони	22,04
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни илбид қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	1 Дания кронаси	401,45	1 Исландия кронаси	19,41	1 Украина гривнаси	165,33	1 Туркия лираси	1062,25	10 Япония иенаси	209,52
	1 БАА дирҳами	651,37	1 Канада доллари	2112,58	1 Малайзия ринггити	719,12	1 Швейцария франки	2481,33		

ИСЛОҲОТ

» **САЙЛОВ – 2014**

Очиқлик, ошкоралик — асосий мезон

Давоми. Бошланishi 1-саҳифада ▼

Сурхондарё вилоятида ҳам жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараёни очиқлик руҳида ўтказишга оид қўрилаётган барча чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Сайловларга тайёргарлик қўриш жараёнида уни амалдаги қонунларимизга мос ошкоралик тамойиллари асосида юқори савияда ўтказиш учун давра суҳбати, семинар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирларда сиёсий партияларнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раислари ва масъул ходимлари, туман, шаҳар сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этаётир. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бўлажак сайловлар ва уни ўтказиш тартиб-таомилларини кенг ёритиш ҳамда аҳоли хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонунларимизда сайлов кампанияси даврида сайловчиларга сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари ҳам берилган. Шунга мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказуви вилоят сайлов комиссияси таркиби шакллантирилди. Округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, аъзолари шахсий таркиби тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинди.

Сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказуви 9, халқ депутатлари вилоят кенгашига 55, туман, шаҳар Кенгашларига 410 округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларга 705 та сайлов участкаси бириктирилди. Округ сайлов комиссиялари сайловга ҳозирлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолиятини қонунда белгиланган ваколат ҳамда мuddатларда режа асосида амалга ошираётир. Вилоят сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссиялари соҳага оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, зарур замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Сайлов комиссиялари таркиби, округ харитаси, иш режаси ва навбатчилик жадвали бинонинг кўринари жойига осиб қўйилди.

Бўлажак сайловларнинг яна бир аҳамиятга эриши шундаки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 11-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тақдим этиши тўғрисида қарор қабул қилишга доир ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов участкаларини шакллантиришда фуқаролар йиғинлари фаоллари яқиндан кўмаклашиб, ҳудудда обрў-эътиборга эга, эл ҳурмати қозонган, маҳаллада муҳим яшаётган ва сайлов қонунчилигидан хабардор партиясиз фуқароларни участка сайлов комиссияси аъзолигига тавсия этди. Сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун етарли қўлайликлар яратиш борасидаги ишлар якунланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иктомий келиб чиқиши, иктомий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллиги ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва маҳаллий Кенгашларга сайланиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Унга кўра, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳим яшаётган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Сайловларда қатнашиш ҳуқуқи берилган тўртта сиёсий партия маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатмоқда.

Муҳтасар айтганда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур қўлайликлар яратилаётгани юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Тўра БОБОЛОВ, Сурхондарё вилояти сайлов комиссияси раиси (Ўза)

Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича заём битими имзоланди

Давоми. Бошланishi 1-саҳифада ▼

Бу Фаргона водийсида электр энергияси ортиб бораётган талабни, жумладан, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда энг илгор технологиялар қўлланилади. Бунда юқори технологияли буғ-газ ва газ турбинаси қурилмаларидан фойдаланилади. Бу станциянинг фойдали иш коэффициентини 60 фоизгача таъминлаш, шунингдек, ёқилғи истеъмолини фаоллаштиришга ўрнатаётган қувватларга нисбатан қарийб икки баробар камайтириш имконини беради.

Мақсуд янги битимнинг имзоланиши электр энергияси ишлаб чиқарадиган энг янги технологияларни жорий этиш, энергия таъминоти салоҳиятини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш орқали энергетика тармоғини модернизация қилиш бўйича Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги узоқ мuddатли шерикликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Айни пайтда JICA молиявий кўмағида Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон ИЭСда умумий қуввати 900 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этилмоқда. Навоий ИЭСда 450 МВт қувватли иккинчи буғ-газ қурилмаси лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Тошкент шаҳридаги 4-иссиқлик марказида 108 МВт қувватга эга когенерацион қурилмани жорий қилиш лойиҳаси тайёрланмоқда.

Шунингдек, JICA техник кўмағида Тошкент шаҳрида минтақада биринчи Буғ-газ ва газ турбинаси қурилмаларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилмоқда.

(Ўза)

О`zLiDePнинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги устувор вазифалари

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2009 йилда бўлиб ўтган сайлов арасида тасдиқлаган платформасига мувофиқ, ўтган йиллар давомида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди.



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О`zLiDeP фракцияси аъзоси

Алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан мазкур дастурда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг бор куч ва имкониятларни ишга солган ҳолда бажарилиши аввалги сайловда гўлиб чиқишимизнинг муҳим омили бўлди. Албатта, партия ўз олдига қўйган мақсадларга қуруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, яъни ўз электорати бўлган мулкдорлар синфи – тадбиркор ва фермерлар манфаатини фидо қилаётган аниқ сиёсат юритиш орқали эришди.

О`zLiDeP ўтган даврдаги фаолияти давомида асосий эътиборни биринчи навбатда Президентимиз Концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш, партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, электорати йўлантираётган ҳаётий масалаларни ҳал қилишга қаратди.

Ҳўжалик юритувчи, аниқ-қисқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳўжалик судлари ўзига хос ўринга эгаллиги ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан,

О`zLiDePнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўтган даврдаги фаолияти мобайнида ҳўжалик судларининг ролинини кучайтиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириб, улар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этадиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ташаббус кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.

Жумладан, 2010-2014 йилларда Ҳўжалик-процессуал кодексига киритилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий тавсир чораларини қўллаш билан боғлиқ низоларни қўриб чиқишнинг процессуал тартиби белгиланди. Ҳўжалик судлари фаолиятига электрон ҳужжат алмашинувининг жорий этилиши билан уларда замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш, қолаверса, тадбиркорлик субъектлари ҳаражатларини камайтириш учун янада қўлай шaroитлар яратилди. Ҳўжалик судлари фаолиятига суд мажлисларини видеокоференция тартибида ўтказиш амалиётининг жорий этилиши эса ишчи кўраётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган ишбилармонларга вақти ва маблағини тежалан ҳолда суд процессида иштирок этиш имконини берди.

О`zLiDeP фракцияси партия Сайловолди платформасининг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларидан бири сифатида мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлайдиган, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни назарда тутадиган қонун норма-

субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг энг муҳим шarti сифатида амалда судлар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш соҳасидаги изчил ислохотлар жараёнида самарали иштирок этиш. Бунда суд тизимини янада ривожлантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида туман (туманлараро), шаҳар ҳўжалик судларини ташкил этиш орқали ҳўжалик

Ўз олдимизга қўяётган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш партиянинг барча аъзоларидан, унинг мажлис ва фояларини қўллаб-қувватловчи инсонлардан ташаббускорликни, самарали ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этади.

ларини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Концепция асосида ишлаб чиқилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", янги тахрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинганлиги партиявий фояларни амалга оширишда долзарб аҳамият касб этди.

Партия 2014 йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайлов кампаниясида қадам қўяр экан, янги Сайловолди платформасининг қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш соҳасидаги муҳим йўналишлар сифатида қўйидаги мақсад ва вазифаларни илгари суради.

Биринчидан, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва жамиятни демократлаштириш, тадбиркорлик

судлари сонини босқичма-босқич кўпайтириш, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини, суд жараёнининг аудио ва видеофиксациясини жорий этиш, расмий веб-сайтларда электрон шаклда суд қарорларини эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектлари учун виртуал инфо-киоскларни очиш назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, жиноий ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнининг давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг алоҳида амалиётларини декариминаллаштириш. Зеро, партия алоҳида иқтисодий жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликни либераллаштиришни зарур, деб ҳисоблайди. Жумладан, истеъмоилчилар ҳаёти хавфсизлиги ёки саломатлиги талабларига жавоб бермайдиган, жиддий оқибатларга кўзда келмай товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш учун жиноий жавоб-

Муваффақият калити – тарғиботда

О`zLiDeP Андижон кенгаши қошида ташкил этилган лекторлар гуруҳи аъзолари томонидан депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари учун махсус ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Андижон давлат университетиде уюштирилган ана шундай машғулотда номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги иштирокини услубий жиҳатдан таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориши, сайлов жараёнининг тартибга солуви нормаларга тегишли ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилгани сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитининг янада кучайишига мустаҳкам замин яратди.

Анжуманда О`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши масъул ходими Иброҳимжон Зуфаров "Сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этишнинг самарали усуллари" мавзусидаги маърузаси билан иштирок этар экан, асосий эътиборни босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда интернетга қаратиш муҳимлиги, ammo шунинг баробарида халқ билан юзмаюз учрашувлар, жонли суҳбатлар, матбуот конференциялари ташкил қилиш мақсада мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Эльмира РАҲМОНОВА.

Қизгин палла олдида

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Шуҳрат Сирожиiddинов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимса раҳбари Азамат Пардаев жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга кўрилаётган тайёргарлик жараёнида эътиборга олиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида тўхтади.

— Бу йилги сайлов ўтган гагилардан тубдан фарқ қилади, — деди Ш.Сирожиiddинов. — Боиси, навбатдаги сиёсий жараён янги шароитда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилгани, Президентимизнинг Концепцияси асосида Бош қомусимиз ҳамда бошқа амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани фикримизга тасдиқ бўла олади. Семинар давомида, шунингдек, сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказишда округ, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ҳамда молиявий тартибни назорат қилиш масалалари атрофича муҳокама этилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Жиддий синов арафасида



Мухлиса АКРАМОВА,
O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия
кўмитаси раиси ўринбосари.

— Партиянинг VI съезди сайловлар оралигидаги фаолияти-мизни яна бир бор танқидий таҳлил этиш баробарида кейинги беш йиллик учун асосий мезон бўладиган устувор вазифаларни ҳам белгилаб берди. Агар ўтган йилларга назар ташласак, O'zLiDeP мамлакатимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси, иқтисодиётимизнинг мустақам устунлиги — тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи йирик сиёсий кучга айланганига гувоҳ бўламиз.

янада яхшилаш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

O'zLiDeP дастурида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг

БУГУНГИ САЙЛОВЧИ ТАЛАБЛАРИ, ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎЙИЛАЁТГАН ВАЗИФАЛАР ПАРТИЯНИНГ АЁЛЛАР МАСАЛАСИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ КЕСКИН ЖОНЛАНТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

касбий, маънавий ва интеллект-туал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал этиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, айниқса, қишлоқ жой-ларида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Сайловлар оралигида бу борада муайян натижаларга эришилди. Хусусан, жойларда 11 мингдан ортиқ давра суҳбати, турли учра-шув ва семинар-тренинг ташкил

этилди. Бу жараёнда, айниқса, 2010 йилдан бери ўтказилаётган “Маҳаллани оилавий бизнес-марказига айлантирамыз” шиори остидаги туркум тадбирлар яхши самара берди. “Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари” лойиҳасига 2011-2013 йилларда 40 минг на-фарга яқин хотин-қиз жалб этил-ди. 2012-2014 йилларда амалга оширилган “Оилавий тадбиркор-ликдан — мустақам оилага” лойиҳаси иштирокчиларига 8

киши жалб қилинди. Бир сўз билан айтганда, Аёл-ларнинг сиёсий фаоллиги, жами-ятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими ўтган давр ичида мавжуд имкониятлардан самарали фой-даланиб, партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб эта олди. Аmmo бугунги сайловчи та-лаблари, электорат вакиллари то-монидан қўйилаётган вазифалар партиянинг аёллар масаласидаги фаоллигини кескин жонланти-ришни тақозо этмоқда. Шу боис бу йилги сайлов барчамизга улкан масъулият юклайди. Сайловчи ишончини қозониш ва кўпчилик овоз олишда сайловчи сифатида овоз берадиган хотин-қизларнинг ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этишларини таъ-минлаш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир.

Биз — O'zLiDeP аёллари, яқинлашиб келаётган сайловда ҳар бир депутатлик ўрни учун жуда катта кураш бўлишини ҳис этиб турибмиз. Ишончимиз ко-милки, асосий электоратимиз ҳисобланмиши мулкдорлар қат-лами ҳамда либерал-демокра-тик ғоялар тарафдорлари кўпчи-ликини ташкил этади ва бўлажак сайловда яна номзодларимиз парламентда ҳам, маҳаллий кен-гашларда ҳам энг кўп вакиллarga эга бўлади.



Фармон АМИНОВ,
O'zLiDeP Бухоро вилоят
кенгаши раиси.

— Жорий йилнинг 21 декабри-да бўлиб ўтадиган сайлов ара-фасида сайловчилар биздан беш йил аввал O'zLiDePдан сайлан-ган депутатлар ўтган давр мобай-нида нима ишлар қилганини, улар томонидан берилган ваъдалар ижроси қай даражада бажарил-ганини сўраши шубҳасиз. Муваф-фақиятга ўтган съездда айнан ана шундай саволларга жавоб қайтарилди, десак адашмаймиз.

Ўз навбатида, анжуманда сўзга чиққанлар партия саъй-ҳаракати билан кўплаб кенг қамровли лой-иҳалар амалга оширилган бўл-са-да, баъзи йўналишлар бўйича ваколатлардан етарли даражада фойдаланилмаганини таъкидла-дилар. Хусусан, депутатлик ва жамоатчилик назорати йўнали-шидаги ишларда ҳар доим ҳам бугунги талаблар даражасида иш олиб борилмагани айтиб ўтилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга маҳаллий кен-гашлардаги депутатлик гуруҳла-рини фаолиятини янада такомил-лаштириш, жойларда ташкил этиладиган тадбирлар, мулоқот ва семинарларда партиянинг янги Сайловчи дастурида баён этилган вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш каби мақ-садларни белгилаб олдик.

Партия давлат назорат ор-ганларининг корхоналар, бирин-чи навбатда, хусусий тадбир-корлик фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйишни асо-сий вазифаларидан бири деб ҳисоблагани учун “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бе-риш тартиб-таомиллари тўғри-сида”, “Тадбиркорлик субъект-

лари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги сингари қонунлар талаблари ҳудудларда қандай бажарилаётгани эътибо-римиз марказида бўлади.

Бу эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам сон, ҳам си-фат жиҳатдан ўсишини таъмин-лайди. Сўзимиз исботи сифатида 2009 йилда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектлари 300 мингдан ортиқни ташкил эт-гани, бугунги кунга келиб қарийб 540 мингдан ошганини таъкид-лаш мумкин.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr»

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон истиқлолши кўлга киритгандан кейин вазминлик, қатъийлик ва собитлик билан яқка партиянинг мулқак ҳоким-лиги асосланган тузумдан демократик бошқарув тизимига ўтиш осон ва тез кечмаслиги-ни, кўппартиявийлик шароити ўз-ўзидан берпо бўлмаглигини теран англаган ҳолда, ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан бор-ди. Давлат ва жамият ҳаётига демократик ислохотларни жорий этишда шошилмадан, айрим-ташкил кучларнинг сиёсий жара-ёнларини асосиз тезлаштиришга қаратилган даъватларига чалғи-масдан, халқимиз салохияти ва менталитетига таъиниб, мавжуд тарихий шарт-шaroитдан келиб чиқиб, босқичма-босқич қадам ташлади.

Мамлакатимизда кўппартия-вийлик тизимини шакллантириш йўлида олиб борилган ислохот-лар ҳозирда ривожланган дав-латларда амал қилаётган замо-навий демократик андозалар ва тамойилларга тўла мос келади. Энг муҳими, бу ислохотлар мохи-ятида халқимизнинг тарихий дав-латчилик анъаналари ва миллий хусусиятлари ўз аксини топган.

Юртимиздаги кўппартиявий-лик тизими сунъий моделлар-сиз, табиий интилишларга мос равишда шаклланди, дейишга асосларимиз етарли. Бошқача айтганда, одамлар онг-тафак-курдаги иқобий ўзгаришлар жамиятни ҳаракатга келтириб, янги ғояларга эҳтиёж туғилди. Бу эса янги сиёсий кучларнинг вужудга келиши учун замин яра-ди. Долзарб жиҳатда шунданки, сиёсий кучлар қандайдир ҳавойи мақсадлар ва кимларнингдир хоҳиш-истаги билан пайдо бўл-мади. Уларни янгилаётган жамият ва одамларнинг ўзи майдонга келтирди. Эътиборли-си, давлатнинг ўзи янги партия-ларнинг пайдо бўлишини муҳим демократик ҳодиса сифатида баҳолаб, уларнинг самарали фаолияти учун зарур имконият, мустақам ҳуқуқий асос яратиб берди.

Хусусан, 1996 йилда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида янада фаол қатнашиши таъ-минланганининг ҳуқуқий асоси кенгайтирилганини айтиб ўтиш даркор. Шу ўринда “Давлат бо-шқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мам-лакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Консти-туциявий қонунга ҳам алоҳида тўхталаш жоиз. Мазкур ҳужжат билан аҳолининг сиёсий онгини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини яна-да кенроқ рўёбга чиқариш бора-сида партияларга катта имкони-ятлар яратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парла-мент муҳожамасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритил-ган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим мод-даларига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”-ги қонуннинг қабул қилиниши эса ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, “Куч-ли давлатдан — кучли фуқаро-лик жамияти сари” тамойилни бошқичма-босқич амалга ошири-лишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат хоки-мияти органлари тизимидаги стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда



ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва иккo эъзoчи орган-лар фаолияти устидан назорат қи-лиш, шунингдек, мамлакатни икти-момий-иқтисодий ривожлантириш шароитидаги амалга ошириш учун ҳуқуқларнинг, маҳаллий иккo эъзoчи ҳокимият органларининг масъули-ятини оширди.

Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳуқуқнинг яқин муддатта ва узoқ истиқболга мўлқаланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституция-га киритилиши демократик жамия-тининг энг муҳим тарихий қисми бўлган парламентаризм, кўппартия-вийлик тизими ва партияларaro рақобат, фракцияларaro курашни янада мустақамлашда гоят дол-зарб аҳамият касб этди.

Конституциянинг 117-моддаси-га киритилган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгаллини ҳам кўрсатиб, ўтишнинг даркор. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган си-фатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлари ва мақомининг конститу-циявий асосларини мустақамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини мустақиллик, қонунчилик, коллеги-аллик, ошқоралик одилликдан ибор-ат асосий принциплари мустақам-ланди.

Ўзбекистонда мустақиллик йил-ларида кўппартиявийлик тизимини шакллантириш борасида амалга оширилган ислохотлар таҳлилдан шу нарса равшан бўладики, бу жа-раён аниқ стратегия ва тизимлик асосида ривожланиб бормоқда. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар жамият ҳаётининг бошқа соҳалари-даги янгилашиллар, одамлар онгу тафаккурдаги ўзгаришлар билан уйғун ва ҳамоҳанг тарзда олиб бо-рилмоқда. Миллий тараққиётчи-ликда ўзини тўла оқлаган “Янги ўй-қурмай туриб эскисини бузманг”, “Ислохот — ислохот учун эмас, ин-сон учун” тамойиллари бу борада-ги янгилашилларнинг ҳам асосини ташкил этади.

Яна бир муҳим жиҳат: кўппартия-вийлик тизими ташкил топишининг асосий ташаббускори сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқиб, “Давлат — бош ислохотчи” тамойи-ли устувор ўрин эгаллади. Яъни, си-ёсий партиялар ва фуқароларнинг сайлов эркинлиги оид амалдаги қонунчилик базасини ташкил қи-ладиган мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қисми мам-лакат Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида пар-ламентга киритилди. Шунинг ўзиёқ давлат бош ислохотчи сифатида сиёсий партияларнинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шарт-шaroитлар яратиб бериш ма-съулиятини ўз зиммасига олганли-гини кўрсатиб турибди.

Жаҳондаги, шу жумладан, минтақамиздаги айрим давлатлар маъмурий усуллар билан ҳокими-ят тизимини тобора кўпроқ ўзида жамлашга интилиб, фуқаролик ин-ститутлари, сиёсий партияларнинг эркин фаолиятига панжа орасидан қараятган бир пайтда мамлака-тимизда жамият ҳаётига дахлдор муҳим қарорларни қабул қилиш функцияларининг парламент ва сиёсий партияларга берилётган-

лиги эътиборга моликдир. Зотан, кўппартиявийлик эркинлик ва ин-сон ҳуқуқлари тушунчалари билан чамбар-час боғлиқ. Эркинлик таъ-минланган жамиятдагина кўппар-тиявийлик муҳити вужудга келиши мумкин. Жамиятда хилма-хил си-ёсий кучларнинг мавжуд бўлиши фуқароларнинг ўз манфаатларини англаши, уларни ҳимоялаш мақ-садида турли иқтисодий гуруҳлар-га уюшиб, ўз салохиятини юзага чиқаришига ёрдам беради. Айнан кўппартиявийлик шароитида инсон ўзини эркин ҳис этиб, оиласи тақ-дирга дахлдорлик масъулиятини сезиш орқали давлат бошқарувида фаол иштирок этишга интилади. Партиялар иқтисодий-сиёсий фа-олиятини аҳоли ўртасида қанча жонлантириб, кенгайтириб бoрса, тарбиятнинг таъсирчан техноло-гияларини жорий этса, фуқарола-рининг сиёсий онги ва фаоллиги шун-ча юксалиб бoраверади.

Мамлакатимиз сиёсий майдон-ида ўзининг дадил оқимлари бил-ан тобора эътибор қозонаётган, истиқлол туфайли шаклланган мулк-дорлар қатлами номидан сиёсий саҳнага кириб келган O'zLiDeP ҳам юқорида тилга оlingан шарт-шaro-итлар маҳсулидир.

2003 йилнинг 15 ноябрда таъ-сис этилган Тадбиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўрта синф — тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар ва ишлаб чиқарув-чилар қатламнинг сиёсий-иқтисо-дий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳи-моя қилиб келмоқда.

Юртбошимиз партия ташаб-бускор гуруҳи аъзолари билан ўтказилган тарихий учрашувда Ўзбекистоннинг тараққиётини, унинг оғир-енглигини ўз елкаси, ўз масъулиятига олишга сиёсий куч сифатида бирлашаётган мамла-катимизда катта салохиятга эга бўлган тадбиркорлар ва ишбилармон-лар тоифаси ҳаққини, дея фикр билдириган эдилар. O'zLiDePнинг ўтган даврдаги фаолиятини чуқур-роқ таҳлил қиладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам айнан ўрта қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини қўшимчимиз мум-кин. 2004 ва 2009-йиллардаги сай-ловларда кўпчилик овоз тўплаган партиямишда эса бундай эътибор янгиқа мазмун касб этди.

Парламент кўйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кен-гашларига бўлиб ўтадиган навбат-даги сайлов эса аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Боиси бугунги сайловчининг сиёсий даражаси, онгу тафаккури юксалди. Айниқса, ёшларимизнинг дунёқарашини кен-гайтириб, халқимизнинг эртанги кунга ишончи, ислохотларга дахлдорлик ҳисси кучайди. Сайлов ана шу ўзга-ришлар натижасини амалда кўрса-тувчи сиёсий тадбирдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамла-катимиздаги демократик ислохот-ларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар биринчи навбатда сай-лов жараёнида фуқароларимизнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродаси-ни ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бе-восита иштирокини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида на-моён бўлмоқда. Партиялар восита-сида жамиятимизда ва фуқаролар-нинг кундалик ҳаётида демократик функцияларининг парламент ва сиёсий партияларга берилётган-

Ибрат эгасига эргашгинг келар

— Мамлакатимизда ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бoриляпти, — дейди Боёвут туманидаги “Вера-М” фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Галина Аҳмедова. — Бу ғайратимизга ғайрат қўшиш баробарида зиммамизга катта масъулият юкляпти

Г.Аҳмедова 1997 йилдан буюн “Вера-М” фермер хў-жалигини бошқариб келади. Зиммасидаги бурчни адо этишга одатланган аёл ҳар ҳосил етиштиради. Қайд этиш керакки, у дала юмуш-лари билан чегараланган-гина қолмай, жамоатчилик ишларида ҳам сафдошлар-ига ўрнак бўляпти. Қишлоқ-дошлари муаммолари ҳал этилишига ёрдамлашишга ўзида куч топяпти. Маса-лан, ўтган йили қаровсиз ёт-ган боғча биносини ижарага олди. Ўз маблагга эвазига таъмирлаб, тикувчилик цехи очди. Шу тариқа 10 нафар қиз иш билан таъминлан-ди. Ҳозир бу ерда буюртма асосида 4-5 хил маҳсулот тайёрланапти. Жорий йил-да тикувчилар томонидан 21 миллион сўмликдан зиёд ҳажмдаги иш бажарилди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 19 миллион сўмни ташкил этганди.

Галина Аҳмедова қиз-жу-вонларга яна бир қўлайлик яратиб берди. Уларнинг уй шароитида меҳнат қилиши

учун ҳар бирига тикув маши-нини ажратди. 30 нафарга яқин аёл ўз оиласи аъзола-ри, яқин қўшниларини ишга жалб этган ҳолда буюртма-ларни ўз вақтида топши-ришяпти. Эндилкида улар рўзгор юмушлари, фарзанд-лар тарбиясидан ажралмаган ҳолда думий даромад ман-баига эга бўлдилар.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ КИЙИНДА ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШГА КЎЛ УРДИ. ТУМАНДАГИ «ХОСИЛОБОД» МАҲАЛЛАСИ АХЛИ ГАЗ ТАЪМИНОТИДА АЙРИМ КИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛАЁТГАНДИ. ТИНИБ-ТИНЧИМАС АЁЛНИНГ ЕЛИБ-ЮГУРИШЛАРИ НАТИЖАСИДА «БОЁВУТТУМАНГАЗ» ИДОРАСИ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИЛИБ, 400 ТА ХОНАДОНГА УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ, ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

O'zLiDePнинг “Оила-вий тадбиркорликдан — му-стақам оилага” лойиҳаси-да ғолиб бўлган Г.Аҳмедова яқинда банкдан 10 миллион сўм миқдоридagi кредит олиб, қишлоқда тўқувчилик тўғарганини ташкил этди. Тадбиркор аёл эндилик-да қишлоқдаги қизларга тўқувчилик сирларини ўр-ғатмоқда. Бугунги кунда шoғирдларининг аксарияти болалар қалпоғи, аёллар рўмоли, пайпоқ сингари буюртмаларни бажариш-моқда.

— Хотин-қизларни қўл-лаб-қувватлашни аввало ёнимиздаги опа-сингилла-римиздан бошлашимиз ке-рак, — дейди Г.Аҳмедова. — Бунинг учун одамда куч-ли хоҳиш бўлиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўз ерларида алмашлаб экиш-ни йўлга қўйган фермер аёлнинг йил бўйи қилган меҳнати ўзининг иқобий са-марасини берди. Хўжалик йиллик режани 110 фоиз қи-либ адо этди.

Дилора ЭСОНОВА,
«XXI asr».

Сахро тилсимларини очмоқда

Навоий вилояти сарҳадлари асосини Қизилқум саҳроси ташкил этади. Истиқлол туфайли ушбу чўл бағрида яширинган табиий қазилма бойлиқларини комплекс ўзлаштириш янгича кўлаб касб этди. Яқинда “Дўстлик” орденли Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Қизилқум фосфорит мажмуаси иккинчи навбатининг фойдаланишга топширилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Комбинат муассислигида чоп этилаётган “Горняк” газетасининг ёзишчи, юқори сифатли нудирилган фосфорит концентратисини ишлаб чиқариш салкам икки баробарга ошган. Бунинг учун мажмуа томонидан Германиянинг “ENGINEERING DOBERSECK GmbH” фирмаси билан умумий қиймати 59,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Йилига 400 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарган мажмуада ҳозирги ҳамкорлар билан инновацион технологияларнинг амалиётга самарали жорий этилиши туфайли унинг йиллик қуввати 716 минг тоннага етказилиб, 136 та янги иш ўрни яратилди.

Сахро бағрида нурилган мажмуа ҳудудида соатига 5 нубомерт сувни қайта ишловчи иккита электродиялизи нуриланинг бунёд этилиши чўл шароитида ичимлик ва техник тоза сув муаммосини ҳал қилиш имконини бермоқда. Айни кунда мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосий буюртмачи — Олмалиқ “Аммофос-Максам” оқиқ акционерлик жамиятига пешма-пеш етказиб берилляпти. Мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларини жадал ривожлантириш, ерлар ҳосилдорлигини кескин кўпайтириш имконини берувчи фосфорли ўғитлар учун зарур компонент етказиб берувчи мажмуада ёш мутахассислар, айниқса, касб-хунар коллежалари битирувчилари ишлаётганлигини таъкидлаш лoзим.

Бўлим бошлиғи Жасур Абдуллаевнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш жараёни энг сўнгги технологиялар асосида тўлиқ компьютерлаштирилгани самарадорлигини оширмоқда. **Мансур АСЛОНОВ.**

ЖАРАЁН

Сиёсий ўқувлар самараси

Партия аъзоларининг ҳуқуқий-иқтисодий билимини ошириш, амалий тажриба ва зарур кўникмаларини шакллантириш O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказининг устувор вазифаларидан бирига айланган

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

— Жорий йилнинг ўтган даврида барча шаҳар ва туманларда 40 дан ортиқ турли мавзуларда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 755 нафар БПТ етакчиси, 1079 нафар партия фаоли, 4100 нафардан ортиқ тадбиркор ва фермер, шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди, — дейди Сиёсий таълим маркази раҳбари Юлдуз Каримова. — Раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга 129 нафар ходим танлаб олиниб, партия захирасига киритилди. Zero, сиёсий модернизация жараёнларида ҳар томонлама етук, ўзига хос салоҳиятли кадрларни тайёрлашдан, электрот вакилларига O'zLiDePнинг асосий мақсад ва вазифаларини кенг тушунтирмай туриб, бирор-бир аниқ натижага эришиш қийин.

Машғулотлар давомида партия қўйи бўғинлари етакчиларини сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Уларнинг гоёвий-сиёсий билимларини оширишга хизмат қиладиган маърузалар, хусусан, Президентимиз Концепциясининг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган семинарлар қизгин савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар остида ўтмоқда.

Шу ўринда ўқув-семинарларда Ўзбекистонда солиқ тизимини либераллаштириш асослари, тадбиркор ҳуқуқи устуворлигига риё қилиш механизми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида очиқлик тамойилига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари билан ҳамкорликда “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари”, “Интеллектуал салоҳиятли ёшлар — демократия жамият пойдевори” сингари мавзуларда 20 га яқин йигилиш ўтказилиб, бу ўз навбатида, тингловчиларнинг фикр доирасини кенгайтириш, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Машғулотлар давомида жойларда тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликни кенг йўлга қўйиш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар илгари сурилиб, уларни вилоят бўйича оммалаштиришга эришилапти. Эътиборлики, Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказилаётган машғулотлар тингловчилари орасидан ўткир билимли ва иқтидорли раҳбар кадрлар етишиб чиқапти.

Хусусан, СТМ ўқувларининг доимий иштирокчиси Шавкат Мавлонов айни пайтда Пешку тумани ҳокими лавозимида фаолият кўрсатаётган бўлса, Улмас Рашидов вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи сифатида марказда олган билимларини амалда кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Улар сафига, шунингдек, Бухоро шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Воҳид Ниёзов, “Ўзбектуризм” миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими раҳбари Шерзод Маҳмудов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлини маси раҳбарининг ўринбосари Жасур Болтаев, “Камолот” ЁИХ Бухоро шаҳар бўлими раиси Нодир Салихов, партия вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудри Азиз Ҳакимовни киритиш мумкин.

— Жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик доирасида Сиёсий таълим марказида ўтказилган семинарларнинг бирида депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, партиянинг ваколатли вакиллари, кузатувчиларни тўғри танлаш ва уларнинг фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, сайловдаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари, миллий сайлов қонучилигига киритилган ўзгаришлар бўйича батафсил сўз юритилди, — дейди марказ раҳбари. — Сайлов кампаниясига бағишлаб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ва иштирок этиш даврида БПТлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусида ўтказилган семинар ҳам қизгин баҳс-мунозаралар остида кечди.

Тадбирда партия қўйи бўғинларининг етакчиларига маҳаллий кенгашларнинг депутатлари билан ҳамкорликда сайловдаги ташвиқот, электрот вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ партиявий ишларни янада кучайтириш юзасидан аниқ тавсия ва йўл-йўриқлар берилди.

Долзарб мавзуда амалий семинар

Гулистонда вилоят Сайлов комиссиясининг “Округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг долзарб масалалари” мавзуга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

— Маълумки, Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда 15 сентябрдан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди, — деди вилоят сайлов комиссияси раиси Акбар Ташкулов. — Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловга тайёргарлик кўриш ишлари қизгин паллага кирди. Эътиборлики, бу йилги сайлов аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Zero, бугунги сайловчининг сиёсий билими ошган, ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайган.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг нафолатлари тўғрисида” ва бошқа бир қатор амалдаги қонунларимиз сайловнинг қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлик принципларига асосланган ҳолда ўтишида дастуриямал вазифасини ўтайди.

Бу йилги сайловда Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 4 нафар, халқ депутатлари вилоят кенгашига 50 нафар, туман ва шаҳар кенгашларига 320 нафар депутат сайланади.

Сўзга чиққан вилоят сайлов комиссияси аъзоси Гулҳаё Расулова, вилоят сайлов комиссияси нотиби Иргаш Бўриев сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов комиссияси зиммасига юкланган вазифалар, ҳужжатлар билан ишлаш, ҳар бир партиянинг сайловдаги дастурини эълон қилиши учун тенг шартлар яратилгани хусусида фикр юритдилар.

Тадбир иштирокчилари Гулистон шаҳридаги Қурилиш касб-ҳунар коллежи биносида жойлашган “Б-Бунёдкор” сайлов округи иш фаолияти билан танишиб, амалий кўникмаларга эга бўдилар. Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr».

Ёшлар кимга ва нима учун овоз беради?



Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ▼

Шухрат ОРИПОВ, социолог-тадқиқотчи

Бугун айрим-айрим давлатларида шундай тенденция кузатишмоқда. Охириги йилларда ўтказилаётган сайловларда ёшлар вакилларининг бефарқлиги, улар орасида “ҳаммага йўқ” деган ижтимоий кайфиятнинг мавжудлиги яққол кўриниб қолмоқда. Бу, албатта, ўша мамлакатларда сайлов орқали ҳокимиятга келган сиёсий кучларнинг ўзларига овоз берган ёш сайловчилар манфаатларини ҳисобга олмаслик асосида олиб борган нотўғри сиёсатнинг натижасидир. Оқибатда бир қатор мамлакатларда ёшларнинг сайловдаги иштирокини таъминлаш йўналишида турли муаммолар келиб чиқаётди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоиздан

ортиги ёшлардан иборат. Шу рақамнинг ўзидек яқинлашиб келаётган сайловда ёшлар овозини нечоғли ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги яққол кўринади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказилган сайловлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили мамлакатимиз ёшларининг сиёсий жараёнларга доимо фаол ва қизгин муносабатда бўлишидан дарак беради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати туфайли уларнинг жамиятдан муносаб ўрин эгаллаши, зарур билим ва малакаларга эришишлари, режаларини рўйбга чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратилди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда иштирокини таъминлашга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг самараси бу.

Худди шу фикрни яқинлашиб

келаётган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайлов жараёнлари мисолида ҳам ҳеч муносабатсиз айтиш мумкин. Ҳозирги кунда республикамизнинг турли ҳудудлари, ҳаттоки чекка қишлоқларда ўтказилаётган тадбирларда, ёшлар вакилларининг оммавий ажбодот вакиллари орқали чиқишларида ҳам шу жиҳат кўринмоқдаки, улар сайловга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Сайловда ёшлар иштирокининг давлат, жамият, сиёсий институтлар ва навқирон авлодининг ўзи учун муҳим бўлган принципал жиҳатлар талайгина.

Биринчидан, ёшлар сайловда иштирок этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида бевосита қатнашади, бошқача айтганда, давлат ва жамият билан мулоқотга киришади. Сайлов ёшларнинг юрт тақдирини фаол иштирокини таъминлашга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг самараси бу.

Худди шу фикрни яқинлашиб

Бу йил сайловда илк бор қатнашадиган миллионлаб ёшлар мустақил қарор қабул қилиб, Ватанимизнинг эртанги тараққиёти учун овоз беради. Ана шу жараён уларнинг интеллектуал салоҳияти шаклланишида ижтимоий-психологик аҳамият касб этади.

Иккинчидан, сайлов воситасида ёшларнинг хоҳиш-иродаси, ижтимоий кайфияти намойиш бўлади. Овоз бериш бюллетенига белги қўйиш орқали ўз манфаатларини давлат ва жамият, амалдаги ҳукумат танлаган илоҳотлар йўлига ўз муносабатини билдиради. Бу жуда муҳим ҳодиса.

Учинчидан, ёшлар сайловда фаол иштирок этиш ва муайян сиёсий кучни астойдил қўллаб-қувватлаш орқали ўз манфаатларини парламент даражасига олиб чиқиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хорижий тажрибадан маълумки, сайлов якунида ҳокимиятга келган ҳар бир сиёсий куч ўз фаолиятини давом эттириш ва ўз ортидан эргаштириш осон кечмайди. Бунинг учун партиялар ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориши, уларнинг манфаатларини ўз номзодлари воситасида сайловда ташвиқоти даврида ишонарли тарзда илгари суришлари даркор. Сайловдаги ташвиқотида ёшларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, улар билан алоҳида ишлашга қаратилган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундангина сайловда ҳал қилувчи куч бўлган ёш сайловчиларнинг овозини қўлга киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, яқинлашиб келаётган сайловда мамлакатимиз ёшларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қилиб, улар билан алоҳида ишлашга қаратилган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундангина сайловда ҳал қилувчи куч бўлган ёш сайловчиларнинг овозини қўлга киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, яқинлашиб келаётган сайловда мамлакатимиз ёшларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қилиб, улар билан алоҳида ишлашга қаратилган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундангина сайловда ҳал қилувчи куч бўлган ёш сайловчиларнинг овозини қўлга киритиш мумкин.

Худди шу фикрни яқинлашиб

Учинчи сектор

“Мен ҳам тадбиркор бўламан”

Термиз шаҳрида “Аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларда корхонани самарали юритиш кўникмаларини ривожлантириш” мавзуга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди

Хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тақлиф этилди.

Машғулот иштирокчиларига икки кун давомида “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали бош муҳаррири Мўминжон Одилов, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси маспахатчиси Насиббахон Жамолитдинова ва бошқалар хусусий секторда мустақил иш юритиш, бўлажак тадбиркор аёлларнинг қобилият ва кўникмаларини шакллантириш, бозорни ўрганиш, стратегия режалаштириш усуллари таҳлили, шунингдек, бизнес-режа тузиш каби масалалар юзасидан атрафлича маълумот бердилар.

Мулоқотда таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, мақсад ва интижиқларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 16 мингга яқин ишбилармон аёл кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиб, маҳсулот ишлаб чиқармоқда, аҳолига турли хизматлар кўрсатаяпти.

Фермер ҳўжалиklarини бошқараётган юздан ортиқ аёл юртимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга салмоқли улуш қўшмоқда. Молия муассасалари томонидан ишбилармон хотин-қизлар изланиши муносиб қўллаб-қувватланаётган ютуқлар омили бўлмоқда. Жумладан, шу йилнинг 9 ойида тадбиркор аёлларни рағбатлантириш учун вилоятдаги тижорат банклари 40 миллиард 619 миллион сўмлик кредит ажратди.

— Ушбу тадбирда “Микрокредитбанк” мутахассислари тадбиркор аёлларга имтиёзли кредит ажратиш, хотин-қизларнинг фойдали меҳнат билан банд этиш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида атрафлича маълумот бергани айни мuddа бўлди, — дейди вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси Марҳабоб Ёдгоров. — Умуман олганда, воҳада тадбиркор аёлларнинг, кичик бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳани янада юксалтиришга хизмат қилаётди. Ушбу семинар-тренинг машғулотлари ҳам ана шу мақсадда ташкил этилгани аҳамиятlidir.

— Менда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги пайдо бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Термиз туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулнора Муқомова. — Мазкур семинарда қатнашиб, яратилган имтиёз ва қўлайликлар билан яқиндан танишдим. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, хонадонимиз бюджетига қўшимча даромад олиб келиш ниятидаман.

Тадбир доирасида ишбилармон аёллар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Мухриддин НУРМАНОВ.

Истиқболли лойиҳалар натижаси

O'zLiDePнинг Наманган вилоятида 13228 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 2033 нафари фермер, 3051 нафари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари эгалари, 2402 нафари эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакилидир

Аҳроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

Партия вилоят кенгашининг Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудри Илҳом Мирзаевнинг таъкидлашича, 2014 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, мазкур соҳаларга кенг оммани жалб этиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида бўлим томонидан партия туман ва шаҳар кенгашлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер ҳўжалиklarини учун ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мавзулардаги ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар кўринишида 73 та тадбир ўтказилди. Уларда 5576 нафар мулкдор иштироки таъминланди. Бу эса 2013 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробар кўпдир.

Ўз навбатида, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг “O'zLiDeP марказий ва ҳудудий тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқадиган вазифалар” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ёшлар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган 20 дан ортиқ тадбирда 3167 нафар битирувчи қатнашганини ҳам айтиб ўтиш ўринlidir. Уларда партиявий лойиҳаларнинг мақсад ва афзалликларини тушунтириш ба-робарида “Ўзбекистонда тадбир-



корлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг долзарб масалалари: бугунги ҳолат, тақлиф ва тавсиялар”, “Чорвачилик, асаларчилик ва балқичилик, боғдорчилик ва сазбавотчилик, деҳқончилик, пахтачилик ва галлалчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш”, “Кредит турлари ҳамда банк кредит сиёсати”, “Ёш тадбиркор давлатнинг таянчи маркази ва ҳудудий тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқадиган вазифалар” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ёшлар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган 20 дан ортиқ тадбирда 3167 нафар битирувчи қатнашганини ҳам айтиб ўтиш ўринlidir. Уларда партиявий лойиҳаларнинг мақсад ва афзалликларини тушунтириш ба-робарида “Ўзбекистонда тадбир-

корлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг долзарб масалалари: бугунги ҳолат, тақлиф ва тавсиялар”, “Чорвачилик, асаларчилик ва балқичилик, боғдорчилик ва сазбавотчилик, деҳқончилик, пахтачилик ва галлалчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш”, “Кредит турлари ҳамда банк кредит сиёсати”, “Ёш тадбиркор давлатнинг таянчи маркази ва ҳудудий тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқадиган вазифалар” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ёшлар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган 20 дан ортиқ тадбирда 3167 нафар битирувчи қатнашганини ҳам айтиб ўтиш ўринlidir. Уларда партиявий лойиҳаларнинг мақсад ва афзалликларини тушунтириш ба-робарида “Ўзбекистонда тадбир-

монидан 55 та янги иш ўрни яратилди.

— Илгари партиявий лойиҳалар тўғрисида эшитган бўлсанм-да, уларнинг самарасига унчалик ишонмаганим, — дейди тўрақўрғонлик тадбиркор Шахноза Кимёназарова. — “Мулкдор оила” лойиҳасида иштирок этиб, аввалги мулоҳазаларим алдамчи эканига ишонч ҳосил қилдим. Хусусан, партия вилоят кенгаши кўмагида “Микрокредитбанк” туман филиалидан олинган 16 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига замонавий дастгоҳлар солиб олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладим. Шу тариқа тўрт нафар маҳалладошимни иш билан таъминладим.

Худди шу тартибда учқўрғонлик Маъмур Нишонов, Наманган шаҳрилик Оқила Абдуллоева, Умархон Топшўлатов, Рустам Қодиров сингари иштирокчилар турли миқдорда кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Бундан ташқари, ўз бизнесини йўлга қўя олмаётган, айрим тўсиқларга дуч келган фуқаролар томонидан қабул қилинган 81 та муносабатнинг 90 фоизи бўлим ходимлари савий-ҳаркати билан илҳомий ҳал этилганини айтиб ўтиш лозим.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» 2014-yil 13-noyabr, payshanba, 45 (573)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

“Сайловга пухта тайёргарлик кўраяпмиз”

Ўз дастурий мақсад ва ғояларини омалаштира олган, амалий ишлари билан эл корига яраётган партиянинг номзодларигагина сайловчилар ишонч билдирадидлар. Бинобарин, масъулиятли сиёсий кампания арафасида қуйи бўғинлар ишини янада жонлантириш, фаоллар масъулиятини ошириб, сайловда тарғибот-ташвиқот ишларини юксак савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»



— Одамларда партия ғояларига бўлган ишончни кучайтириш, аввало, бошланғич ташкилот етакчиси ва аъзоларига боғлиқ, — дейди О'zLiDeP Касби туман кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Хусан Абдиев. — Уларнинг ташаббускорлиги таянч тузилма фаолияти самарадорлигининг асосини ташкил этиши сир эмас. Қайд этиш керакки, жорий йил мобайнида бошланғич ташкилотларимиз сони 38 тадан 53 тага, аъзоларимиз эса 396 дан 710 нафарга кўпайди. Ишончим комилки, жойлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, уларнинг ечими топилишига партиявий воситалар билан кўмаклашиш ана шундай ижобий натижалар учун замин яратди. Фаолларимиз сайё-ҳаракатлари билан туманимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Шунингдек, таянч бўғинлар ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини оширишга сикдидилдан ёндашмоқдалар.

Жумладан, яқинда Касби туманида ўтказилган “Партиянинг сайловдаги иштирокида бошланғич ташкилотларнинг ўрни” мавзuida туркум тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва унда иштирок этиш даврида бошланғич ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, БПТларнинг электрот манфаатларига доир масалалар ечимидаги иштироки, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнунлар ижроси бўйича жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга оширишда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзоларига ёрдамлашиш, қуйи бўғин етакчиларида сайловга оид зарур малака ва кўникмалар-

ни шакллантириш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. — Бўлажак сайловга пухта ҳозирлик кўраяпмиз, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Жўра Суяров. — Сиёсий кампанияни муваффақиятли ўтказиш учун бор имкониятлардан фойдаланишга интиляпмиз. Чунончи, партия электротатига тааллуқли масалаларни ўрганиб, таҳлил этиб, туман ва вилоят кенгашлари сессиялари, доимий комиссияларига олиб чиқишда, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда фаоллик кўрсатадиган, қисқаси, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун деб биладиган фидойий номзодларни танлаб олдик.

— Сафларимизни билимдон ва фаол ёшлар билан тўлдиришга жиддий эътибор қаратаёпмиз, — дея таъкидлади Касби марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти етакчиси Жононкул Раҳимов. — Яқинда сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшлар иштирокида давра суҳбати ташкил этдик. Зеро, ташаббускор

ва ташкилотчи ёшларга аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда ўрналди.

“Юрт ризиқи” МЧЖдаги партия таянч нуқтаси раиси Эсон Бозоровнинг сўзларига қараганда, одамларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг юксак маънавиятли ва жисмонан бақувват, эл-юртга содиқ инсонлар бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрликни янада кучайтириш кўйи бўғин фаоллари диққат-эътиборида. Аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, партия сафларини ёш тадбиркор ва фермерлар ҳисобига кенгайтириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ишлар сайловда ўз самарасини бериши тайин.

Тез-тез ташкил этилаётган давра суҳбати, ўқув-семинарларда ташкилоти етакчиси Жононкул Раҳимов. — Яқинда сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшлар иштирокида давра суҳбати ташкил этдик. Зеро, ташаббускор

ши томонидан таянч тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш учун ҳар томонлама кўмак берилляпти. Хусусан, кенгаш аъзолари, депутатлар жойларда бўлиб, БПТлар фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиб, ташкилий-партиявий ишларни янада жонлантириш учун керакли маслаҳатлар, тавсиялар бераяптилар, сайловолди тарғибот жихозлари билан боғлиқ масалалар ҳал этилишига бевоалта ёрдамлашяптилар. Шунинг баробарида аввалги сайлов жараёнида йўл қўйилган баъзи камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилиб, бу сафар уларнинг тарқорланмаслиги олди олинляпти.

— Бугун биз жиддий синов олдида турибмиз, — деди Х.Абдиев суҳбатимизни нихоясида. — Сайловчилар билан иш олиб боришда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси, партиямиз эришган ютуқларни аҳоли онига еткази олишимиз керак. Ана шундагина омма орасида партиямизнинг нуфузи ортиб, бўлажак сайловда ғалаба, албатта, биз тарафда бўлади.

Фаол тарғиботчи ва ташкилотчи бўлайлик

“Сайлов натижалари ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ, шу боис зиммамиздаги вазифага янада каттароқ масъулият билан ёндашиш талаб этиляпти”. Ушбу даъваткор сўзлар сайловга тайёргарлик қизгин тус олган паллада ўтказилаётган катта-ю кичик партиявий тадбирларнинг туб мазмун-моҳиятини белгилаб бераяпти. Хусусан, Бўна тумани Фермерлар кенгашида БПТ фаоллари орасидан танлаб олинган партия ваколатли вакиллари ва кузатувчилари учун уюштирилган махсус ўқув-семинарда ҳам шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик. Сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш масалаларига бағишланган мазкур машғулотларда туманда рўйхатга олинган 30 нафар кузатувчи ва ваколатли вакилдан 27 нафари иштирок этди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати Б.Жабборова йигилганларни сайлов жараёнида шунчалик қатнашувчи эмас, балки фаол тарғиботчи ва ташкилотчи бўлишга ундаб, яқинлашаётган сиёсий синовга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш борасида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя этиш бўйича йўл-йўриқлар берди. Ўқув-семинарда партия маҳаллий кенгаши мутасаддилари ва мутахассислар тингловчилар эътиборига улар зиммасига юклатилган ишлар, ваколатли вакил ва кузатувчининг сайловдаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги батафсил ахборотларни ҳавола этдилар. Б.ИСРОИЛОВ.

Ҳам БПТ, ҳам депутат назоратида

Галлаорол туманидаги Маржонбулоқ шаҳарчаси аҳолиси асосан маъдани қайта ишлаш билан шугулланувчи корхонанинг ишчи-хизматчилардан иборат. Бу ерда яшовчилар сони бугунга келиб деярли 10 мингга етди. Гарчи эҳтиёж тобора ортиб бораётган бўлса-да, бир неча ходим ишлайдиган ҚВП ва 1 та хусусий стоматология фирмасидан ташқари шаҳарчада одамларга тиббий хизмат кўрсатувчи бошқа муассаса йўқ. Тилга олинган корхонадаги 100 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти йигилмишда ана шу масала ўртага ташланди. Сўзга чиққанлар кўп ўринли, замонавий поликлиника барпо этиш лозим, деган таклифни илгари сурдилар. Мазкур фирмаштирокчиларнинг аксарияти томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди. — Йигилиш қарори асосида мутасадди ташкилот ва идораларга ушбу масалани ҳал этишга кўмаклашишни сўраб мурожаат этдик, — дейди Жаззах вилоят кенгаши депутати, БПТ етакчиси Муҳаббат Саидхмедова. — Биз масаланинг ечимини топиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, эзгу ташаббусни амалга оширишга қатъий бел боғлаганимиз.

Бизни партия ғоялари бирлаштираяпти

Термиз шаҳридаги “Лола Имкон Барака” МЧЖда О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотига асос солинди. Янги БПТ атрафида 20 нафар ишчи-хизматчи жипслашди. Сайловга қизгин ҳозирлик кўриляётган айни кунларда улар О'zLiDePнинг дастурий мақсад ва ғояларини тарғиб қилиб, аъзолар сафини янада кенгайтиришга киришдилар. — Бўлажак сайлов истиқболимизни белгилаб беради, — дейди корхона раҳбари, БПТ етакчиси Сайёра Қўлматовва. — О'zLiDeP дастурида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусий сектор ривожига кўмаклашиш ўз ифодасини топгани биз учун айни муддаодир. Шунинг учун ҳам мазкур партияга аъзо бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда О'zLiDeP номзодларини қўллаб-қувватлашга аҳд қилдик. О'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши маълум қилишларича, вилоят марказидаги барча бошланғич ташкилотларда бўлажак сиёсий кампанияни улоқчилик билан ўтказишга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда маслаҳодларимиз сони тобора ортыпти, чунки аксарият ишбилармонлар О'zLiDePни танлашмоқда. Шу ўринда қайд этиш зарурики, партиянинг Термиз шаҳар бўлими таркибиде фаолият юритаётган қирққа ақин бошланғич ташкилот 950 дан ортиқ аъзони бирлаштирган. М.НУРМАНОВ.

▲ АНИҚ САВОЛГА

— Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти қайси орган томонидан белгиланади?

— “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида” ги қонуннинг 25²-моддасида мазкур ўзига хос қоидалар сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқиши аниқ баён қилинган.

▲ АНИҚ ЖАВОБ

► РЕКЛАМА

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе. Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности. К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др. Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации. По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования. Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы: Заявка (по форме); Инвестиционное предложение (по форме); Паспорт инвестиционного предложения (по форме). Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу:
г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева,1.
Услуги лицензированы.

Бизнес бўйича сабоқлар

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Bourment Lux group” МЧЖда рўйхатдан ўтган БПТ ташаббуси билан “Аёлларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш” мавзuida семинар-тренинг ташкил қилинди. ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда асосан касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи қизлар қатнашдилар.

Икки кун давом этган ўқув машғулотида тилга олинган уюшма бизнес-маслаҳатчилари М.Адиллов ва Н.Джамалдинова, шунингдек, АТ “Микрокредитбанк” бош бошқармаси етакчи мутахассиси А.Мамараҳимов тингловчиларга маркетинг, ишбилармонлик концепцияси, солиқ сиёсати, амалдаги қонунчилик, кредит олиш тартиби ва бошқа мавзулар бўйича сабоқ бердилар. Бизнес билан шугулланаётган тажрибали аёлларнинг тегишли маслаҳатлари, уларнинг ҳуқуматимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароит борасидаги эътирофлари ҳам ёшларда катта қизиқтириш уйғотди.



Биз — XXI асрда яшяпмиз!

Биз — XXI асрда ишляпмиз!

Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

ИҚТИСОДИЁТ

Палата тақдим қилган маълумотлар

ишбилармонлар фаол қўллаб-қувватланаётгани, ССП ва O`zLiDeP ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётганини кўрсатди

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Улуғбек Абдуллаевнинг таъкидлашича, жорий йилнинг 9 ойида 130 та тадбиркорлик субъекти палата аъзоларига жалб этилиб, уларнинг жами сони 2592 тага етказилди. Палата билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган субъектларнинг 80 фоизини юридик шахс мақомига эга кичик корхоналар ташкил этаётди.

Йил бошидан бунён ўтказилиб келинаётган семинар, учрашув ва давра суҳбатларида соҳага оид қабул қилинаётган қонунлар ва фармонлар моҳияти кенг тарғиб этилиб, унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тадбиркорларга маълумотлар берилляпти.

Шу ўринда O`zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган "Диплом билан — бизнесга", "Мулкдор оила" сингари лойиҳаларни ўтказишда бошқарма фаол иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина "Диплом билан — бизнесга" лойиҳасининг жорий йил март-апрель ойларида бўлиб ўтган туман босқичларида 200 дан ортиқ ёш иштирок этиб, улардан 50 нафарни шаҳар босқичига саралаб олинди.

Лойиҳа якуни бўйича иштирокчи ёшларнинг 30 нафари бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида имтиёзли микрокредит олиш учун тижорат банкларининг сертификатлари билан тақдирланди. Сертификат олган иштирокчиларнинг умумий кредит суммаси 949,9 млн. сўмини ташкил этди. Ушбу

бизнес-режаларнинг ҳаётга таътиқ этилиши орқали лойиҳа иштирокчилари томонидан 100 га яқин янги иш ўрни очилиши назарда тутилган.

Чиндан ҳам, палата тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда бор имкониятлардан унумли фойдаланяпти. Буни жорий йилнинг 9 ойида ҳудудий бошқарма қошидаги Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан бизнес субъектларига кўрсатилган жами 3211 та ахборот-маслаҳат хизмати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, махсулотни сертифициқлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларни судларда кўриб чиқиш масалаларида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам ҳаммиша палата диққат марказида. Шу мақсадда умумий суммаси 159 млрд. сўмлик жами 997 та даъво аризаси

судларга киритилиб, 849 таси палата аъзолари бўлган тадбиркорлар фойдасига ҳал этилди. Айти пайтда умумий қиймати 72 млрд. сўмлик жами 131 та иш судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

2014 йилнинг III чораги мобайнида экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, замонавий технологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ҳудудий бошқарма томонидан қатор ишлар амалга оширилади, туманларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ёки ўз ишини бошламоқчи бўлганлар кўргазма, ярмарка ва кооперацион биржаларга кенг жалб этилди.

— Ўртимизда ва хорижда ўтказилган кўргазма-ярмаркаларда бизнес соҳа вакиллари жами 1160 минг АҚШ долларига яқин миқдордаги замонавий минтехнология ва ускуналарни сотиб олиш бўйича шартномаларни тузишга эришди, — дейди Улуғбек Абдуллаев. — Хитой, Жану-

бий Корея, Ҳиндистон, Қозоғистон, Латвия, Эстония ва бошқа давлатлар ишбилармонлари билан 8 та ўзаро ҳамкорлик учрашуви, кооперацион биржалар ўтказишда кўмаклашилди. Ташкиллаштирилган учрашув ва музокаралар натижасида хорижий инвестиция иштирокида 5 та корхона тузилди. "РЕЗОНАНС СЕРВИС" хусусий корхонаси, "КРАНТАС" масъулияти чекланган жамияти, "BELLA GOLOR TEX" корхоналарига 380 минг АҚШ доллари миқорида маъсулот ва хизматлар экспорт қилинишига кўмаклашилди.

Ҳозирги кунда палатанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Чехия, Малайзия, Саудия Арабистони, Жану-убий Корея, Россия Федерацияси Савдо-саноат палаталари билан ўзаро ҳамкорлик туғрисида 21 та битим имзоланиб, уларга асосан маҳаллий махсулотларни экспорт қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Саноат махсулотлари ҳажми 106,7, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 110, капитал қўйилмалар ҳажми 104, пудрат ишлари 107, ялпи қишлоқ ҳўжалик махсулотлари етиштириш 106,1, чакана савдо айланмаси 115,6, пуллик хизмат кўрсатиш 113,3, жами хизматлар ҳажми 118,2 фоизга кўпайди. Ялпи ҳудудий махсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 62,1 фоизни ташкил этди. Вилоят саноат корхоналари томонидан 4 трлн. 392,2 млрд. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳудудий саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117 млрд. сўмга кўпайиб, 658,1 млрд. сўмини ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан 70,4 млрд. сўм кўп, жами 766,3 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш 488,1 млрд. сўмини, ноозиқ-овқат товарлари 278,2 млрд. сўмини ташкил этиб, аҳоли жон бошига истеъмо моллари ҳажми 263 минг сўмини ташкил этди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2 трлн. 756 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Мазкур мабланнинг 960,1 млрд. сўми марказлашган, 1796 млрд. сўми марказлашмаган инвестициялар ҳиссасига туғри келиб, 2047,3 млрд. сўми ишлаб чиқариш, 708,6 млрд. сўми эса ноишлаб чиқариш иншоотларига сарфланди.

Марказлашмаган маблагларнинг 1006 млрд. сўми корхоналарнинг ўз маблаглари, 151,5 млрд. сўми тижорат банкларининг кредитлари, 182,6 млрд. сўми туғридан-туғри чет эл инвестицияси ва кредитлари, 455,8 млрд. сўми аҳоли ма-

блағлари ҳисобидан ўзлаштирилди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1232 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди, 17901 тага етказилди. Айти пайтда уларда 854,5 минг киши ишламоқда. Бу иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,8 фоизини ташкил этади.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 405 млрд. сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилиб, 749 млрд. сўмлик курилиш ишлари бажарилди. Хусусий секторнинг саноатдаги улуши 17, курилиш ишларида 74, чакана савдо айланмасида 35,5, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши 53,7,

соҳасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида 3,2 трлн. сўмлик иш бажарилди. Аҳолига яратилаётган кулайликларни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш учун 885 та (44 таси қишлоқ жойларида) савдо ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 2046 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан боғалар спортини ривожлантиришнинг яхлит тизими яратилганлиги ва баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралаётгани, жисмонан ва маънан етук ёшларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўиши мақсадида 30 та сунъий қопламали стадион қурилиши учун 40,5 млрд. сўм маблаг

ВИЛОЯТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ЎТГАН ДАВРДА 1232 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ РЎЙХАТГА ОЛИНИБ, 17901 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА УЛАРДА 854,5 МИНГ КИШИ ИШЛАМОҚДА. БУ ИҚТИСОДИЁТДА БАНД БЎЛГАНЛАРНИНГ 77,8 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

жами хизматлардаги улуши 50,8 фоиздан иборат бўлди. Чакана савдо айланмаси 3 трлн. сўмдан кўпроки, аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 1 млн. 46 минг сўмини ташкил этди. Тармоқни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилдаги нисбатан 93,1 млрд. сўм кўп, жами 298,1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Вилоятдаги мавжуд 3 та олий ўқув юрти ва 132 та коллеж билим-тарбияларини тадбиркорликка жалб этиш, ёшларга ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар, бу борада қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатлар юзасидан кенг тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлар муаммоларини бартараф

этиш бўйича вилоят ҳокимлиги, давлат солиқ бошқармаси, тижорат банклари, савдо-саноат палатаси, архитектура ва курилиш бошқармаси иштирокида жойларда сайёр учрашувлар уюштирилиб, муаммоларни жойида ҳал қилиш чоралари белгиланаяпти. Хизматлар кўрсатиши ва сервис

сарфланди. Айти пайтда Қарши шаҳрида 21 та, Шаҳрисабзда 7 та, Муборак, Косон, Ғузурда 2 тадан, Қарши ва Нишон туманларида 1 тадан замонавий спорт иншооти фаолият кўрсатмоқда.

Умуман олганда, жорий йилда халқ депутатлари вилоят кенгаши ва унинг доимий комиссиялари, жумладан, O`zLiDePдан сайланган партия депутатлик гуруҳи сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, хусусан, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Жумладан, белгиланган чораларнинг бажарилишида мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан йўл қўйлаётган камчиликлари аниқлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмунини аҳолига етказиш мақсадида қўллаб-қувватлаш, архитектура ва курилиш бошқармаси иштирокида жойларда сайёр учрашувлар уюштирилиб, муаммоларни жойида ҳал қилиш чоралари белгиланаяпти. Хизматлар кўрсатиши ва сервис

ССП — доимий ҳамкоримиз

Тадбиркорликни йўлга қўйиш осон эмас. Бизнесни барқарор давом эттириш эса ишбилармонлардан янада катта куч ва ғайратни талаб этади. Шундай пайтда ён-атрофда тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар бўлмаса, улар қатор қийинчиликларга дуч келишлари аниқ

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кичик бизнес субъектларига баҳоли қудрат ёрдам берувчи етакчи ташкилотлардан бири, десак адашмаймиз. Зеро, ССП ва унинг ҳудудлардаги бошқармалари тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларидан хабардор бўлиш, хорижий давлатлардан ҳамкор топиш, чет элдан зарур технологияларни келтириш, махсулотларни экспорт қилиш каби масалаларда яқин кўмакчи бўлиб келмоқда.

Буни Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқар эканмиз, ҳудудий бошқарма томонидан жорий йилнинг ўтган даврида олтита корхонага хориждан қарийб 1,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги ускуналарни харид қилиш ҳамда мамлакатимизга олиб кириш, яна 12 та корхонага қиймати 5,5 млн. доллардан ортиқ маблагга тенг махсулотларни экспорт қилишга амалий ёрдам кўрсатилганини айтиб ўтиш мумкин. Айтин мазкур бошқарма ташаббуси билан 33 нафар тадбиркорга

Хитой, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро ярмаркаларда, яна 1332 нафарига юртимизда бўлиб ўтган кўргазмаларда иштирок этиш имконияти яратилди.

— Биринчи навбатда хусусий корхоналар ва кичик биз-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ ДАВОМИДА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАГАН ПАЛАТА ТОМОНИДАН СУДЛАРГА 37 МЛРД. 800 МЛН. СЎМЛИК 1877 ТА ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛИБ, УШБУ МУРОЖААТЛАРНИНГ 1448 ТАСИ ИШБИЛАРМОНЛАР ФОЙДАСИГА ҚАНОАТЛАНТИРИЛГАНИНИ АЙТИБ ЎТИШ ЛОЗИМ.

несни жадал ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, мулкдорлар синфини шакллантириши мақсад қилиб олганмиз, — дейди Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Ашраф Акрамов. — Хусусан, барча шаҳар ва туманларда "Оилавий тадбиркорлик", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари туғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ўқув-семинарлар

ўтказилмоқда.

Ўз навбатида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида тадбиркорлар манфаатини кўзлаган палата томонидан судларга 37 млрд. 800 млн. сўмлик 1877 та даъво аризаси киритилиб, ушбу муурожаатларнинг 1448

таси ишбилармонлар фойдасига қаноатлантирилганини айтиб ўтиш лозим. Қолаверса, вилоятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ишбилармонларни ўйлантириб келаётган масалаларни ўрганиш ва амалий ёрдам бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишни тарғиб қилиш, соҳаларга те-

гишли мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ҳар ҳафтадан жума куни вилоят миқёсида «Тадбиркорлар куни» ташкил этиб келинмоқда.

— Фаолиятимизда O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши яқин ҳамкорларимиздан бири бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди А.Акрамов. — Энг муҳими, биргалликдаги ҳаракатлар бесамар кетмапти. Жумладан, жойларда тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида амалдаги қонунлар, норматив ҳужжатлар билан яратилган имкониятлар туғрисидаги ўқув-семинарларнинг ўтказилиши анъанага айланган. Шунингдек, жорий йил давомида партиянинг "Мулкдор оила", "Диплом билан — бизнесга" каби лойиҳалари доирасида ёш тадбиркор ва фермерлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай тадбирлар давомида иштирокчилар ҳуқуқий билимларини оширди. Асосийси, қўллаб йигит-қизлар ўз тадбиркорлигини бошлашга муваффақ бўлди.

Навбатдаги мулоқот форуми

Андижонда бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форумида O`zLiDeP Сайловолди дастуридан ўрин олган қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Эльмира РАҲМОНОВА,
«XXI asr»

Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан "Кучли ўрта синф — рақобатдош иқтисодиёт — фаровон мамлакат" шиори остида ўтган анжуманда таъкидланганидек, бўлажак сайлов мамлакатимизда қатъий амал қилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг бугунги натижаларини янада яхшилашга хизмат қилади. Сайловнинг очиқ ва ошкоралик, соғлом рақобат муҳитида ўтиши эса Ўзбекистон танлаган тадрижий тараққиёт йўлининг ниҳоятда туғри эканини яна бир бор намоиш этади.

Мазкур форумда кўриб чиқилган O`zLiDePнинг бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасидаги устувор вазифаларидан бири бўлган фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал

мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ ҳўжалигини янада диверсификация қилиш ҳамда ривожлантириш масаласи мамлакатимиз тарраққиёти йўлида таянч ва фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ўрта синфини шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Форумда иштирок этган фермерларнинг фикрича, бу йўналишда қабул қилинган O`zLiDeP Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, Давлат дастурлари ҳамда соҳа ривожига қаратилган қатор қонунларнинг ижро этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги "Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида"ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилляпти. Аҳамиятлиси, партия куйи бўғинлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янада жадаллаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш доирасида 9,5 минг нафардан ортиқ тадбиркор ва фермерлар иштирокида 160 дан зиёд тадбир ўтказилган бўлиб, қарийб 800 та амалий

таклиф O`zLiDeP фракциясига тақдим этилган.

— Навбатдаги сайловда партияимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол қатнашчиси сифатида иштирок этмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Аска тумани "Абдулла полвон" фермер ҳўжалиги раҳбари Муқаддасхон Абдуллаева. — Бундан ташқари, партия томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва махсулдорлигини ошириш, қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш орқали ички бозорни махсулотлар билан тўлдирish, аграр секторнинг экспорт саноатини кенгайтириш йўлини таъминлаш натижасида қишлоқ аҳолисининг катта қисми бандлиги ва даромадларининг ошишига олиб келадиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш таклифи илгари сурилмоқда.

Ўз навбатида, форум давомида O`zLiDeP фаоллари мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларнинг партия сайловолди дастуридан ўрин олиши лозимлигини қайд этдилар.

"Очил дастурхон" ёшларни иш билан таъминлади

Наманган вилоятининг тоғли ҳудуди — Янгиқўрғон туманида аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. — Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 5182 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўпдир, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутасаддиси Сардор Вақсов. — Аҳамиятлиси, иш билан таъминланган аҳолининг 65 фоизи ёшлардир.

Иш ўринларининг 173 таси янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига очилган бўлса, 375 таси фермер ҳўжаликлари фаолиятини кенгайтириш, 500 таси янги тартибдаги тадбиркорлик, 1716 таси кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, 2441 таси жойларда уй меҳнатининг турли шакллари жорий қилиш ҳисобига яратилган. Мисол тариқасида тадбиркор Отабек Қосимов сазй-ҳаракатлари билан «Очил дастурхон» овқатланиш мажмуасининг ишга туширилиши натижасида 18 нафар янгиқўрғонлик йигит-қиз бандлиги таъминланганини айтиш мумкин.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

ЭРИНИ қалбакилаштириш мумкин эмас

Ҳозирги кунда республикамизда электрон рақамли имзо (ЭРИ) мажбурий ҳисоботларни топшириш, электрон ҳужжат ва ҳимояланган электрон хат айланиши каби тизимларда кенг қўлланилиши билан долзарб аҳамият касб этмоқда

Дилфуза СОБИРОВА,

“UNICON.UZ” ДУК Электрон рақамли имзо маркази мутахассиси

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ЭРИ — электрон ҳужжатдаги ахборотни электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгариш орқали ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатolik йўқлигини аниқлаш ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятидир. Бошқача айтганда, электрон рақамли имзо хабарга қўшимча қилинадиган, хабар олувчига жўнатувчининг ҳақиқийлигини текширадиган маълумот ҳисобланади.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо кўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган, электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони ташкил этадиган белгилар кетма-кетлигидир.

Электрон рақамли имзонинг очиқ калити деганда эса ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай субъекти фойдалана оладиган, электрон ҳужжатдаги ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ишлаб чиқилган белгилар кетма-кетлиги тушунилади.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш жараёни эса ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига тегишли экани ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатolik йўқлигини текшириш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, электрон рақамли имзонинг асосий вазифаларига:

— ахборот фойдаланувчилари ўртасида ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш учун юридик ҳижатдан аҳамиятга бўлган электрон ҳужжат айланишини таъминлаш, яъни электрон ҳужжатга юридик мақом бериш;

— электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ахборот хавфсизлигининг зарур талабларини, яъни электрон хабар имзоланганидан кейин унинг бутунлигини ва ўзгармаслигини тасдиқлаш ёки электрон рақамли имзонинг тегишлилигини текшириш асосида шахсни аниқлашни таъминлаш;

— ахборот эгасини ёки тизимларга киришда фойдаланувчиларни аутентификация қилиш кабилар кирди.

Шу ўринда ЭРИ қўлда қўйиладиган имзолардан бир неча афзалликлар билан ажралиб туришини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, ЭРИ билан имзоланган ахборот имзо қўйган шахсдан келганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, имзо қўйган шахсга, имзоланган ахборот билан боғлиқ масъулиятдан бош тортиш имконини бермайди ва имзоланган ахборотнинг бутунлигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, электрон рақамли имзо — келишувни ёки олинган маълумотнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун почта ёки курьерга сарфланган вақтни тежайдиган, тадбиркор ва ишбилармонлар учун жуда қулай воситадир.

Қолаверса, ЭРИ калити билан имзоланган электрон ҳужжат бир неча сония ичида зарур манзилга етказилишини ҳамда олинганлиги тўғрисида хабар уни жўнатган шахсга тез келишини айтиб ўтиш лозим.

ЭРИни қалбакилаштириш мумкин эмас. Бинобарин, калитларни рўйхатга олиш маркази ЭРИ эгаси учун қўшимча муҳофазани таъминлаган ҳолда, очиқ калит учун сертификат беради. Қоғоз ҳужжат шаклида тайёрланадиган, ЭРИнинг очиқ калити ёпиқ калитга мослигини тасдиқлайдиган сертификат эгалари ҳақидаги маълумотлар базада сақланади.

Таъкидлаш жоизки, бугун электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзо тизимига давлат ташкилотлари, ҳокимликлар ва идоралар уланган бўлиб, 2014 йил бошидан “UNICON.UZ” давлат унитар корхонаси қошидаги Калитларни рўйхатга олиш маркази томонидан халқаро мейёрлар бўйича, яъни RSA стандарти асосида 928 та, ўзбек миллий стандарти асосида 7795 та ЭРИ берилган.

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгаришларга мувофиқ ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш мuddати ЭРИ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб аввалги 12 ойдан 24 ойга узайтирилганини, шунингдек, Ўзбекистон жаҳондаги ўз миллий криптографик стандартига эга бўлган 20 та мамлакат қаторидан ўрин олганини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Ҳокимлар журналистлар хузурида

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳри туманлари ҳокимларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлари давом этмоқда. Навбатдаги мулоқотларда Шайхонтоҳур тумани ҳокими Миръазам Мирқосимов ва Юнусобод тумани ҳокими Шавкат Азимжонов журналистларнинг саволларига жавоб беришди

Шайхонтоҳур туманида 11 та йирик sanoat корхонаси мавжуд. Шунингдек, 247 та қўшма корхона, 4313 та кичик бизнес субъекти фаолият юрताди.

— Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда “Соғлом бола йили” ҳудудий дастурига асосан жорий йилда туманда умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, уларни ўқув жиҳозлари, компьютер жамланмалари, ўқув лабораториялари билан таъминлаш ишлари якунланди, — деди Миръазам Мирқосимов.

Шавкат Азимжонов билан бўлган учрашув ҳам ўзига хос руҳда ўтди. Маълумот берилишича, Юнусобод туманида йилнинг ўтган 9 ойи давомида 15,1 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 1215 та иш ўрни яратилган.

Ҳоким туманда жойлашган касб-хунар коллежлари битирувчиларининг мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бераркан, жорий йилда 2822 битирувчининг 2429 нафарининг бандлиги таъминланганини қайд этди. Шунингдек, кўп қаватли уй-жойлар ва улар атроф-ҳудудларини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишлари, аҳолидан тушаётган мурожаатларни ўрганиш ва жойлардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида журналистларга ахборот берилди.

Таъкидлаш жоизки, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган бундай анжуманлар ҳокимликлар раҳбарларининг кенг жамоатчилик олдидаги ўзига хос ҳисоботиغا айланмоқда.

Бизнес юритишда танилган хонимлар

Маълумки, аёлларнинг уйда ўтириб, фақат oilавий юмушлар билан банд бўлиши ҳамда болалар тарбияси билан шуғулланишдан иборат ҳаёт тарзи ўтган аср бошларидан ўзгара бошлади. Дастлаб Ғарб мамлакатларида, кейин эса даярли бутун дунёда хотин-қизлар сиёсат, иқтисодиёт, бизнес сингари соҳаларда фаолият юрита бошладилар. Ҳатто айрим мамлакатларда йирик компаниялар бошқарувини айнан ишбилармон аёлларга топшириш аъъанага айланди

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI asr»

Бугунги кунда мазкур жараён шу даражада ривожланиб кетдики, таълим муассасаларини битираётган қизларнинг аксарияти “ишбилармонликнинг қайси йўналишини танласам экан?” деган саволга жавоб излаш пайига тушиб қолди. Зеро, ўз бизнесини очиб, ижобий натижаларга эришган ҳар қандай хотин-қиз нафақат молиявий аҳволини яхшилаш, балки ҳаётдаги йўлини топиш, шунингдек, ўз касбининг устаси, яъни профессионал сифатида ўсиб-ўлғайиш имкониятига эга бўлапти.

Сир эмас, ишбилармон аёлларга кўпчилик ҳавас кўзи билан қарайди. Бинобарин, улар эркаклар билан ҳуқуқларини тенглаштириб олган бўлсалар-да, ўзларига азалдан юклатилган вазифалари, яъни жуфти ҳалол ва она бўлишдан озод этилмайдилар. Бошқача айтганда, тадбиркор аёллар бир вақтнинг ўзида икки вазифани бирдай ижро эта олиши лозим.

— Шак-шубҳасиз, дид билан кийиниш, либосга мос келадиган аксессуарларни танлаш ишбилармон аёл имижини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди, — дейди “Mags” қандолатчилик компанияси бошқарув кенгаши расиси Жаклин Марс. — Аммо, фикримча, бизнес хонимлари биринчи навбатда ишни пухта ва аниқ бажариш, бардошли бўлиш талабларига жавоб бериш баробарида масъулиятлилик ҳамда собитқадамлик каби хислатларга эътибор қаратишлари керак. Бундан ташқари, учрашувларга кечиккан тақдирда ҳамкорларини оғохлантириш, қўл бериб кўриши сингари бир қарашда арзимас, аслида жуда муҳим қоидалар риюя қилиши керак.

Дунёнинг танили бизнес хонимларидан бирига айланган америкалик тадбиркор — Мэри Кэй Эшнинг бошдан кечирганлари билан танишган ҳар қандай киши унга таҳсин айтиши аниқ. Зеро, 1918 йил АҚШнинг Хьюстон Техас шаҳри яқинида туғилган Мэри анча эрта, яъни 17 ёшида турмушга чиқди ва болалар тарбияси билан бандлиги боис олий маълумотли бўла олмайди.

Учинчи фарзанди туғилганида эса турмуш ўртоғи билан ажрашди ва болаларни боқиш ниятида оз миқдордаги маош эвазига атир-упа маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “Stenli Products” фирмасига сотувчи бўлиб ишга жойлашди. Тажрибали ҳамкасбларидан савдо қилишнинг но-



зик сирларини ўрганган аёл, кўп ўтмай, жамоадoshлари орасида “савдо-сотик маликиси” деган номга сазовор бўлади. Бироқ бор маҳоратини ишга солган ҳолда тиним билмай ишлаган “малика”-га раҳбарият юқори лавозимларни беришга шошилмайди. Шу сабабли Мэри Кэй 45 ёшида ишдан бўшайди ва бизнес билан шуғулланиш аёл ҳақида китоб ёзишга киришади. Ижод пайтида эса Мэри қоғозга туширилган маълумотлар, фикр-мулоҳазалар тайёр бизнес-режага айланганини тушуниб қолади. Шу тариха хоним 1963 йили 20 ёшли ўғли билан ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилади. Айни пайтда “Mary Kay” косметика бозорига жаҳоннинг машҳур брендига айланган, десак адашмаймиз. Маълумотларга кўра, эндиликда ўз маҳсулотларини дунёнинг салкам 40 та давлатида сотаётган компанияда 2,5 млн. мустанқил консултант (савдо агенти) ишлайди.

Тан олиб айтиш керакки, ўз тақдирини бизнес билан боғлашга қарор қилган хотин-қизлар бир қатор ноқулайликларга дуч келишлари ҳам бор гап. Жумладан, авваламбор, тадбиркор аёллар шахсий ҳаёт, яъни oilасига жуда кам вақт ажратишга мажбур бўладилар. Аксарият ишбилармон хонимлар бизнесларини йўлга қўйганларидан кейингина турмуш қурадилар. Иккинчидан, компаниялари манфаатини уйлаб, ярим тунгача офисда ўтириб ишлаш ёхуд кунда-кунора хизмат сафарлари соғлиқларига птур

етказиши ҳам мумкин. Учинчидан, айнан тадбиркорлик туфайли катта бойлик ва давлатга эга бўлган аёллар ҳаётдаги иккинчи яримларини топишда қийналади. Хусусан, ўтказилган сўровларга кўра, аксарият эркаклар пулдор хоним олдида ўзларини ноқулай ҳис қилар эканлар. Шу боис ҳам барча мақсадларига эришишни хоҳлайдиган ишбилармон аёллардан тарозу икки палласининг ўртасини танлаш талаб этилади.

1908 йил Нью-Йоркда туғилган Эсте Лаудер ҳам шахсий ҳаётда, ҳам бизнесда юқори натижага эришган аёллардан. Маълум бўлишича, уddaбурон аёл турмуш ўртоғи Жозеф Лаудер билан бирга кимёгар ва дерматолог амакиси — Жон Шотц томонидан тайёрланган юз териси кремларини оммавий ишлаб чиқариш мақсадида собиқ ресторан биносини сотиб олиб, унинг ўрнида кичик бир цех очган.

“Бизнес билан шуғулланувчи аёл шахсий ҳаёти яхши бўлиши хохласа, умр йўлдошига хонадон эгаси сифатида буйруқ бериш, бир поғона юқори туриш имкониятини яратиб бериши керак. Шунда аёлнинг ўзи ҳам ҳақиқий хонадон бекасига айланади ва oilада ўз ўрнига эга бўлади”, деган эди журналистларнинг омадли шахсий ҳаёт ҳақидаги саволларига жавоб берган Лаудер хоним.

Қизиғи, Жон амакиннинг рецепти бўйича бундан бир аср аввал тайёрланган тўрт хил крем

бориб-келиш билан боғлиқ барча харажатлари жамгарма ҳисобидан молиялаштирилди. Ўз навбатида мазкур кўрғазмада тадбиркорларнинг томонидан 2 млн. АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланганини таъкидлаш лозим.

Шуни aloҳида қайд этиш жоизки, жорий йилда Ўзбекистон-Сингапур бизнес форуми ва кооперация биржаси ўтказилди. Бизнес-форум якунига кўра, жамгарма Сингапурнинг “JA International Companies” халқаро лари вакилларининг ярмаркага

ҳозир ҳам “Estee Lauder” корпорацияси фабрикаларида ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси шундаки, Лаудер хоним миқознинг кўнглини олган ҳолда унинг ишончини қозонишни ҳамма нарсадан устун қўйишга одатланган. Хусусан, у компания бошқаруви кенгаши лавозимини эгаллаб турган пайтда ҳам дўконларга қирган миқозларга пештахтадаги ёшартирувчи маҳсулотлар ҳақида маълумот берган ҳолда хизмат қилиш ва маслаҳатлар беришдан уялмайди. Маҳсулотларни кичик ҳажмда қадоқлаган ҳолда миқозларга совға қилиш, шунингдек, кремларни юз териси хусусиятига (нормал, ёғли, қуруқ) қараб, бир неча турда тайёрлаш каби айни пайтда урф бўлган харидорларни чақириш усулларини биринчи бўлиб жорий қилган. Лекин, шунга қарамай, йиллар давомида компаниянинг молиявий масалалари унинг турмуш ўртоғи Жозеф томонидан қўл этилган. 87 ёшида ҳаётдан кўз юмган Лаудер хонимнинг бизнесини эндиликда фарзандлари, келинлари ва набиранлари давом эттиришмоқда.

“Модага доимо янгилик киритиб туриш зарур. Акс ҳолда соҳада яхши натижага эришолмайси. Лекин буни ҳеч кимга билдирмаган ҳолда, аста-секинлик билан амалга ошириш керак”. Бу — бизнес оламида катта ютуқларни қўлга киритган яна бир аёл — Габриэль (Коко) Шанелга тегишли қоида. Бўла-жаз тадбиркор болалар уйда вояга етган бўлиб, меҳнат фаолиятини тайёр қўйлақлар сотувчи сифатида бошлаган. Маълум вақт давомида қоғоқхонада қўшиқ айтиб, даромад толган. XX аср бошларида танишларни ёрдамида дастлаб мўъжазгина модалар ательесини, кейинчалик ўз дўконини ишга туширди. Биринчи бўлиб, эркаклар учун мулжалланган фасонлардан аёллар кийиминида фойдалангани билан аёллар, ўша даврда шакланган тушуна — “қора ранг — ночорлар ва азадорлар ранги” деган аъъанага эл равишида беш йил давомида кийимларни фақат ана шу тусдаги матодан тикади. Дўконларга чиқарилган қора рангли янги либослар эса шу кунгича қўлма-қўл бўлиб кетарди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли Францияни тарк этиб, Швейцарияда яшашга мажбур бўлган Шанель хоним ватанига 1953 йилда қайтади ва либослардан ташқари, атир, аёллар сумкаси ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Айни кунда “Chanel” модалар уйининг йиллик савдо айланмаси бир неча миллиард долларни ташкил қилади.

Айни пайтда “PepsiCo” компанияси бошқарув кенгаши расиси лавозимини эгаллаб турган Индра Нуйи (суратда) ҳам бизнесда юқори ютуқларга эришиш

ниятида таваккал қилиб, кўп нарсадан воз кечганини айтиб ўтиш лозим. Зеро, аввал Мадриддаги менежмент институтида таҳсил олган қиз браҳманлар урф-одатлари ва аъъаналарига эл равишида 22 ёшида бир ўзи таълим олишни давом эттириш мақсадида АҚШга боради. Энг қизиғи, тадбиркорлик борасидаги дастлабки амалиётни “Jonson & Jonson” компанияси филиалида ўтаган Индра таълим муассасаларида олган билимларни ҳаётга татбиқ этишни шу даражада яхши ўзлаштирадиган, 1994 йилда малакали мутахассис сифатида “General Electric” ва “Pepsi” компаниялари ўртасида талаш бўлади. Охир-оқибат ичимлик ишлаб чиқарувчи корхонани танлаган Нуйи йиллар давомида яна бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширади. Хусусан, яхна овқат тайёрлайдиган компаниялар билан ҳамкорликни ўрнатиб, “Pepsi”нинг асосий рақиби ҳисобланмиш “Coca-Cola”дан ўтиб кетишига эришади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётди. Ўз навбатида бу жараёнга “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси муносиб ҳўссаси сифатида бошлаган. Маълум вақт давомида қоғоқхонада қўшиқ айтиб, даромад толган. XX аср бошларида танишларни ёрдамида дастлаб мўъжазгина модалар ательесини, кейинчалик ўз дўконини ишга туширди. Биринчи бўлиб, эркаклар учун мулжалланган фасонлардан аёллар кийиминида фойдалангани билан аёллар, ўша даврда шакланган тушуна — “қора ранг — ночорлар ва азадорлар ранги” деган аъъанага эл равишида беш йил давомида кийимларни фақат ана шу тусдаги матодан тикади. Дўконларга чиқарилган қора рангли янги либослар эса шу кунгича қўлма-қўл бўлиб кетарди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли Францияни тарк этиб, Швейцарияда яшашга мажбур бўлган Шанель хоним ватанига 1953 йилда қайтади ва либослардан ташқари, атир, аёллар сумкаси ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Айни кунда “Chanel” модалар уйининг йиллик савдо айланмаси бир неча миллиард долларни ташкил қилади.

Айни пайтда “PepsiCo” компанияси бошқарув кенгаши расиси лавозимини эгаллаб турган Индра Нуйи (суратда) ҳам бизнесда юқори ютуқларга эришиш

ниятида таваккал қилиб, кўп нарсадан воз кечганини айтиб ўтиш лозим. Зеро, аввал Мадриддаги менежмент институтида таҳсил олган қиз браҳманлар урф-одатлари ва аъъаналарига эл равишида 22 ёшида бир ўзи таълим олишни давом эттириш мақсадида АҚШга боради. Энг қизиғи, тадбиркорлик борасидаги дастлабки амалиётни “Jonson & Jonson” компанияси филиалида ўтаган Индра таълим муассасаларида олган билимларни ҳаётга татбиқ этишни шу даражада яхши ўзлаштирадиган, 1994 йилда малакали мутахассис сифатида “General Electric” ва “Pepsi” компаниялари ўртасида талаш бўлади. Охир-оқибат ичимлик ишлаб чиқарувчи корхонани танлаган Нуйи йиллар давомида яна бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширади. Хусусан, яхна овқат тайёрлайдиган компаниялар билан ҳамкорликни ўрнатиб, “Pepsi”нинг асосий рақиби ҳисобланмиш “Coca-Cola”дан ўтиб кетишига эришади.

ЭЪЛОН

«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ ТОМОНИДАН «XXI ASR» ГАЗЕТАСИНING 2014 ЙИЛ 11 СЕНТЯБРЬ 36 (564)-СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЭЪЛОНИДАГИ САВДО КУНЛАРИГА 2014 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ, 16 ДЕКАБРЬ, 26 ДЕКАБРЬ, 2015 ЙИЛ 6 ЯНВАРЬ, 16 ЯНВАРЬ, 27 ЯНВАРЬ, 6 ФЕВРАЛЬ, 17 ФЕВРАЛЬ, 28 ФЕВРАЛЬ ВА 11 МАРТ КУНЛАРИ ҚЎШИБ ҲҚИЛСИН.

Эълумира Раҳмонова тайёрлади.

СЎНГГИ САҲИФА

“BOEING –787 DREAMLINER” — БУХОРОДА



“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий компанияси рамзи туширилган дастлабки “Airbus” самолёти мамлакатимизга 1993 йилда, “Boeing” ҳаво кемаси эса 1996 йилда келтирилган эди. Бугунги кунда улар нафақат халқро, балки маҳаллий йўналишларда парвоз қилган Ил-62, Ил-86, Ту-154, Як-40, Ан-24 самолётлари ўрнини эгаллади. Кейинги 3 йилда авиакомпания парки жаҳон авиация

саноатининг етакчи корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий, қўлай ва тежамкор “Airbus-320-200” ва “Boeing 767-300-ER” ҳаво кемалари билан тўлдирилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

2016 йилда Ўзбекистонга 2 та “Boeing-787 Dreamliner”нинг етказиб берилиши мамлакатимизда авиаташувларни ривожлантириш тарихидаги энг муҳим воқеа бўли-

ши шубҳасиздир. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси узоқ масофага парвоз қиладиган ушбу қўлай ва шинам лайнерларни харид қилиш бўйича “Boeing-Фуқаро самолётлари” компанияси билан истиқболли шартнома имзолаган дастлабки авиакомпаниялардан биридир.

Яқинда эса “Бухоро” халқаро аэропортига Бирлашган Араб

Амирликларидан парвоз қилган “Boeing-787 Dreamliner” самолёти келиб қўнди. Янги самолётни қабул қилиш учун Бухорода катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Махсус транспорт, аэродром, ёқилғи-мойлаш материаллари таъминоти, ташувларни ташкил этиш, перрон-техника бригадаси хизматлари таркибдаги ходимлар иштирокида “Boeing-787”нинг тактик-техник маълумотлари ва бошқа ташкилий масалалар юзасидан тегишли машғулотлар ўтказилди. Миллий авиакомпаниянинг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси мутахассислари томонидан олиб борилган тайёргарлик-назорат ишлари ҳам кутилган натижани берди. Янги самолётни Бухоро заминига оҳиста кўндирилган экипаж аъзолари ҳамда кўнра ва ҳамшиша навқирон воҳа билан танишиш орзусида бўлган меҳмонлар аэропорт раҳбарияти ва жамоасига ўз миннатдорликларини билдирдилар.



“ҚАҲҚАҲА”ЧИЛАР “XXI ASR”НИ ТАНЛАДИ

- Дада, мана, севимли газетангизнинг янги сони.
- Ие, Болта, сен ҳам “XXI asr”ни олиб келдингми?
- Ҳа, энам айтганиди энг яхшиси шу деб...
- Унда энанг билан бориб, “XXI asr” газетасига бир йилга обуна бўлиб келинглар!
- Хўп, дада...
- Обуна индексини эслаб қол: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

Кўк чойнинг фойдаси кўп. Аммо...

Кўк чойнинг фойдали жиҳатлари ҳақида кўп эшитганимиз. Зеро, мазкур ичимлик таркибида 400 дан ортиқ кимёвий элемент мавжуд бўлиб, улар организмни ҳар хил қолдиқлардан тозалайди, ёглари эритидади. Шу тариқа юрак-қон томир ва онкологик хасталикларнинг келиб чиқишини бартараф этади. Аммо уни эрталабдан кечгача ичиш ярамайди. Масалан, мутахассислар ҳомиладор ва эмизикли аёлларга кўк чойни камроқ ичишни тавсия этадилар. Шунингдек, шифокорлар асаб касалликлари, тахикардия (юракнинг тез уриши), ошқозон яраси бор одамларга ҳам кўк чой ичишни маслаҳат бермайдилар.

Ўз навбатида кўк чойни оч қоринга ичиш мумкин эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Акс ҳолда у ошқозон шиллиқ пардасини зарарлайди. Овқатдан ярим соат кейин ичилган кўк чой эса ҳазми яхшилаيدди.

Кўк чойнинг асосий вазифаси организмдан кимёвий моддаларни чиқариб ташлаш бўлгани учун дори воситаларини кўйиб ичиб бўлмайди. Бу ҳолда дорининг таъсир кучи камаяди. Фахриддин НУРАЛИЕВ.

“Омон булбул”

Халқ ижодиёти шундай катта уммонки, унинг туб-тубига гаввос каби шўнғиб кирсангиз, дурларни териб адо қилломайсиз.

Ана шундай гавҳар соҳибларидан бири Тошқоқ тумани марказидаги Отағий маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Омонжон Хайдаровдир. Омонжон ана пахта ни қайта ишлаш корхонасида ишчи, автокорхонада, шаҳар почта хизмати боғламасида ҳайдовчи сифатида 42 йил меҳнат қилди.

Ҳозир фарзандлар, неварра-чеварлар ардоғида. Юртимиз мустақиллиги берган буюк незъматлардан баҳраманд бўлиб, шукроналар айтиб яшамоқда. У 1973 йилдан буён халқ орасида сайлларда, тўйларда, байрамларда, тантаналарда турли қушларнинг сайрашини ўхшатиб, ижро этиб келмоқда.

У Чехословакия, Руминия ва Испанияда Ўзбекистон делегацияси таркибида ўз санъатини намойиш этди. Москва ҳамда Пенза шаҳарларида ўтказилган халқ ижодиёти фестивалларида турли дипломлар билан тақдирланган. **Муҳаммадjon МАҲМУДОВ.**

Дакан хўрозлар ёрдами

Хорижий олимлар юртимизда боқиладиган товулар генидан фойдаланган ҳолда «келажак қуши»ни яратишни режалаштирмоқда. — Бугунги кунда қушларнинг таянч-ҳаракат аппаратини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларни ечиш устида бош қўтираямиз, — дейди gazeta.ru сайти муҳбири саволларига жавоб берган Россия Фанлар академияси Паррандачилик илмий-тадқиқот ва технология институтини директори Владимир Фесюнин. — Товуқларнинг 76 турини тадқиқ қилиш давомида шу нарса маълум бўлдики, дакан хўрозларнинг суяги бошқа зотлар скелетига нисбатан 2,5 баробар қаттиқроқ экан. 1976 йилда Ўзбекистондаги қишлоқларнинг бирдан топилаган бу зотнинг генлари «келажак қуши» скелетини бақувват қилишга асос бўлади. Ш.ХУҲАЕВ.

Фарзандингиз тўғаракка борадими?

Мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни интеллектуал салоҳияти билан дунёни лол қолдирадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода “Соғлом бола йили” Давлат дастурида уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш учун “Баркамол авлод” марказларининг фаолиятини кенг йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилгани бежиз эмас

Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мақтадан ташқари таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида юртимизнинг ҳар бир туманида “Баркамол авлод” болалар марказлари ташкил этилди.

— Марказимиз 2011 йилда фаолиятини бошлаган, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани “Баркамол авлод” болалар маркази директори Шоира Абдужабборовна. — Болаларнинг бўш вақтини бирор-бир касбга йўналтириш, уларни тўғаракларга жалб этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёلمиз. Хусусан, сентябрь ойида “Болаликнинг сеҳрли дунёси” шиори остида “Очиқ эшиклар кўни” ўтказилди. Тадбирда туманимиздаги мактаблардан 425 нафар ўқувчи иштирок этди. Ҳозирда 410 нафар ўқувчи марказимиз машғуллотларига қатнашиб келаётган.

Шунингдек, марказда 29 та тўғарак мавжуд бўлиб, унда малакали мураббийлар сабоқ бериб келмоқда. Болаларнинг қизиқиши ва ота-оналарнинг илтимосига кўра “Баркамол авлод” болалар маркази билан ҳамкорликда тумандаги мактаблар қошида тўғараклар ташкил этилган. Жумладан, 27-мактабда

“Ёш киноҳаваскор”, 208-мактабда “Тасвирий санъат”, 209-мактабда “Бичиш-тиқиш” ва 105-махсус мактаб-интернатда “Бошланғич техно-моделлаштириш” йўналишида тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

— Икки йилдан буён тўқиш тўғаракга бораман, — дейди 121-мактаб ўқувчиси Дилёра Миразимова. — Бу ҳунарнинг ўзига яраша гашти бор. Ҳозирда онам учун жемфер тўқияпман. Тўғилган кунларига совға қилмоқчиман. Дугоналаримга ҳам бўш вақтини бекор ўтказмасдан, турли йўналишдаги тўғаракларга боришларини тақлиф қиламан. Юртимизда ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, билимимизни янада оширишимиз керак, деб ҳисоблайман.

“Ёш киноҳаваскор”, 208-мактабда “Тасвирий санъат”, 209-мактабда “Бичиш-тиқиш” ва 105-махсус мактаб-интернатда “Бошланғич техно-моделлаштириш” йўналишида тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

— Икки йилдан буён тўқиш тўғаракга бораман, — дейди 121-мактаб ўқувчиси Дилёра Миразимова. — Бу ҳунарнинг ўзига яраша гашти бор. Ҳозирда онам учун жемфер тўқияпман. Тўғилган кунларига совға қилмоқчиман. Дугоналаримга ҳам бўш вақтини бекор ўтказмасдан, турли йўналишдаги тўғаракларга боришларини тақлиф қиламан. Юртимизда ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, билимимизни янада оширишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Муаллимлар мамнун

“Кейинги вақтларда фарзандларимиз китоб ўқимай қўйди. Кўпроқ интернетдаги маълумотлардан фойдаланадиган ёшлар бугун глобал тармоқдаги кинофильмларни кўришга ружу қўйишган”, дея бонг урилмоқда. Шундай бир вазиятда Сирдарё вилоят хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернат жамоаси ўқувчиларнинг бўш вақтини қандай ўтказишига жиддий муносабатда бўлаётгани эътиборга молик.

Жумладан, мазкур таълим масканида ташкил этилган китоблар фестивали доирасидаги мулоқотда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтида қандай китобларни мутолаа қилиши, бу борада ота-оналар фарзандларига қай даражада шароит яратиб бергани муҳокама қилинди.

Шу ўринда китоблар фестивали муносабати билан мактаб-интернат ўқувчиларига ўз шахсий кутубхоналаридаги севимли адабиётлари билан кўрғазмада иштирок этиш мумкинлиги эълон қилинган, бундан ташқари тадбир давомида деворий газеталар, баён ва иншолар танловлари ташкиллаштирилганини айтиб ўтиш лозим.

Китоблар фестивали кўрғазмасидан Президентимиз асарлари, шунингдек, тарихий мавзудаги, турли даврларни ўз ичига олган асарлар ҳамда болалар адабиёти ўрин олганлигини кўрган муаллимлар қалбларида мамнунлик ҳиссини туйдилар. **Дилора ЭСОНОВА, “XXI asr”.**

Марказга марҳамат

Пойтахтимизда Ёшлар маданият ва санъат марказининг лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан очилган ушбу муассаса иқтисодий ёш ижодкорларнинг ноёб истеъдодини рўйбга чиқариш, миллий ашула ва музыка мероси, замонавий эстрада ва жаҳон санъати дурдоналари асосида ёшларда юксак баъдий дидни шакллантириш каби эзгу мақсадларни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолоғ” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирга таширф булганлар навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоғларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, кўрт равнақида дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг кенг қамровли бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда бу ерда ўтказилган мулоқотларнинг ўрни катта бўлишини алоҳида таъкидлашди.

— Ёшларни ана шундай гузал масканнинг очилиши билан табриқлайман, — деди “Нихол” мунофоти совриндори Лола Йўлдошева. — Уйлайманки, бу ерда ўтказиладиган тадбирлар ҳар бир иштирокчи қалбини нафосат ва юксак туйғуларга ошно этиб, янги марралар сари бошлайди. — Марказда 80 га яқин тўғарак фаолияти олиб боришини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. — дейди Республика 1-сонли тиббиёт коллежи ўқувчиси Гулрухсор Тожибоева. — Шەрият, ашула ва рақс, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишларда олиб бориладиган машғулотлар, театр томошалари, концерт дастурлари биз, ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштириб, юртимизнинг эртанги кўни ҳақидаги катта орзуларга етаклаши шубҳасиз. **Рисолат МАДИЕВА “XXI asr”.**

ЭЪЛОН

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Икромия қўмитаси сайловолди тарғибот материалларини (буқлет, плакат, баннер ҳамда партия томонидан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг тарғибот-ташвиқот материаллари) харид қилиш бўйича танлов эълон қилади. Мазкур танловда ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва муассасалардан расмий тақлифлар 2014 йил 20 ноябрга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, 100015, Нукус кўчаси, 73а-уй. Тел: (+99871) 281-49-67. Факс: 254-53-64. Web-site: uzidep.uz E-mail: uzidepinform@mail.ru

ЛАТИФАЛАР

Бир йигит дўстидан сўради: **Агар юз минг доллар топиб олсанг нима қиласан?**
— Қарзларимга бераман.
— Қолганиничи?
— Қолганини кейинроқ бераман. ***
Кўчада бир чироили аёл бир эрканни олдиға келиб: — Кечирасиз, назаримда сиз болаларимдан бирининг отаси бўлсангиз керак, — дебди. **Даҳшатдан қотиб қолган эркак:** — Йўғ-е, бўлиши мумкинмас, наҳотки... — Узингизни босинг, ховлиқманг, мен ўқитувчисиман. ***
Бир киши ресторанда овнат бўюрибди. Мантини бир тишлаб, кайфияти бузилган хўранда официантни чақириб: — Бу манти юз фоиз пизёданку, — дебди. **Официант:** — Юз фоиз эмас, ҳамирни ҳам борку, — дебди. — Озгина гўшт ҳам қўшмабсизларда?... — Биз фанат наббга озгина гўшт қўшамиз...

Устаси фаранг футболчи қизлар

2015 йил қизлар (U-19) ўртасида Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг саралаш баҳсида иштирок этган Ўзбекистонлик футболчилар барча рақибалари устидан йирик ҳисобда галаба қозондилар. Иордания пойтахти Амман шаҳрида ташкил этилган квалификация беллашувлари доирасида Ҳиндистон (2:0), Ливан (7:0) ва мезбонлар (3:0) жамоаларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган устаси фаранг футболчи қизларимиз учта ўйинда жами 12 тўп киритиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Қитъаннинг кучли саккиз жамоаси иштирокида ўтказиладиган Осиё чемпионати эса келаси йилнинг август ойида бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада совринли ўринларни банд этган учта терма жамоа 2016 йил қизлар (U-20) ўртасида ўтказиладиган жаҳон кубоғида иштирок этиш имкониятини қўлга киритади.

ЎОБ-ҲАВО

Яқин ўтган кунларда юртимизда вақти-вақти билан ёққан ёмғир (қор), аёзли шомол ўрнини ёнимли илиқлик чулғагаддек. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, республикаимизда 13-20 ноябрь кунлари ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳарорат кечаси 0...-5, кундузи +8...+13, баъзи ҳудудларда +12...+17 даражагача кўтарилади. Жанубий минтақалар — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, шунингдек, юртимиз шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бир мунча илиқ ҳарорат кузатилиб, кечаси 0...+5, кундузи +12...+17 даража атрофида бўлади. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимизда термометр миллилари кечаси -2, кундузи +10...+15 даража бўлишини кўрсади. Тоғли жойларда туман тушиб, дам олиш кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси -5...-10 даражадан 0...-5, кундузи +1...+6 даражадан +4...+9 даражагача кўтарилади.



ЎРЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA
Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.



МУАССИСА ТADBIRKORLAR VA ISHBLARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yulhoo.com, XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1368 Тираж: 10939

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© «XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда тегили ҳақида дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.